

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ХФР

1918-yil
21-iyundan chiqq
boshlagan

№33-34-35, 2023-yil
1-sentabr,
juma (32.781)

O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

ВАҚТНИ – ИМКОНИЯТГА, ИМКОНИЯТНИ – ЮТУҚҚА, ЮТУҚНИ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИГА АЙЛАНТИРА ОЛГАН ХАЛҚ – БУЮК ХАЛҚДИР



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Мухтарам отахон ва онахонлар!
Юртимиз келажаги бўлган ёшлар!
Хурматли меҳмонлар!

Бундан роппа-роса ўттиз икки йил муқаддам Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди. Ўтган даврда биз қанча синовларни бошимиздан ўтказдик, кўплаб қийинчилик ва машаққатларни биргаликда енгдик.

Ўттиз икки йил аввал туғилган гўдак бугун ўзининг мустақил фикри, дунёқараши, орзу-истаклари ва мақсадларига эга шахс сифатида вояга етди. Худди шу сингари, бугунги Ўзбекистон ҳам, ўтган даврда турли синовларда тобланиб, тажриба орттириб, ўзининг аниқ мақсади ва йўли, позициясига эга бўлган катта давлат сифатида шаклланди.

Бу – бутун халқимизнинг тарихий ютуғи. Унда ҳар бирингизнинг муносиб ҳиссангиз бор!

Сиз, азизларнинг Ватанга меҳр ва садоқат билан қилаётган ҳар кунлик меҳнатингиз Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шу маънода, Истиқлол байрами – барчамизнинг байрамимиз, мустақил Ўзбекистон – барчамизнинг фахримиз, ифтихоримиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мана шу шуқуҳли дамларда ҳар қандай шароитда ҳам ўз касбига содиқ қолиб, ёш авлодимизга илм-фан асосларини ўргатиб келаётган хурматли муаллим ва мураббийларни, халқ саломатлиги йўлида ўзини аямасдан хизмат қилаётган жонкуяр шифокорларни, эл-юрт дастурхонини янада тўқин қилиш учун далаларимизда фидокорона меҳнат қилаётган миришкор деҳқон ва фермерларимизни, она юртимиз қалқон-

лари бўлган жасур ҳарбийларимизни, иқтисодиётимиз ривожини, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида жонбозлик кўрсатаётган тadbиркорларимизни, ўзининг дастлабки ютуқлари билан барчамизни хурсанд қилаётган азму шижоатли ёшларимизни, қалб тўла меҳри, улуғ фазилатлари билан хонадонларимиз устунини бўлиб келаётган хурматли опа-сингилларимизни, ҳар бир ишда дуоғўй бўлиб, бизга Яратгандан куч ва мадад тилаб турган мухтарам отахон ва онахонларимизни, дунёнинг қайси ўлкасида бўлса ҳам, Ўзбекистон соғинчи билан яшаётган азиз ватандошларимизни, бир сўз билан айтганда, 36 миллионли бутун халқимизни бугунги улуғ байрам билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Истиқлол айёми барчамизга муборак бўлсин!

Қадрли дўстлар!

Албатта, Ўзбекистон ўз суверенитети, давлат мустақиллигига осонлик билан эришгани йўқ. Бу йўлда аждоқларимизнинг сиёсий ва маърифий интилишлари сўнгги бир ярим аср давомида деярли тўхтамади. Хуррият учун курашган кўплаб Ватан фидойилари қатагон этилди, истиқлолга интилган миллат қаҳрамонлари зулм ва зўравонлик қурбони бўлди.

Биз юрт озодлиги йўлида курашган, ноҳақ айбланиб, бу дунёдан армон билан кетган ватандошларимизнинг пок номларини тиклашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Сўнгги уч йилда уларнинг 856 нафари Олий суд томонидан оқланди. Биз бундай эзгу ишларни албатта давом эттирамиз. Зеро, бу масалада адолат қарор топиши шарт.

Ўтмишга назар ташлар эканмиз, аччиқ

Давоми 2-бетда. ▶

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 31 АВГУСТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИГИ КАТТА ТАНТАНА ҚИЛИНДИ.

Байрамда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, халқимизни бу қутлуғ сана билан табриклади.

Мамлакатимиз раҳбари ўтган даврда Ўзбекистон турли синовларда тобланиб, тажриба орттириб, ўзининг аниқ мақсади ва йўли, позициясига эга бўлган катта давлат сифатида шаклланишини таъкидлади.

– Сиз, азизларнинг Ватанга меҳр ва садоқат билан қилаётган ҳар кунлик меҳнатингиз Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шу маънода, Истиқлол байрами – барчамизнинг байрамимиз, мустақил Ўзбекистон – барчамизнинг фахримиз, ифтихоримиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Албатта, халқимиз мустақилликка, бугунги фаровонликка осонлик билан эришмаган. Бу йўлда аждоқларимизнинг сиёсий ва маърифий интилишлари сўнгги бир ярим аср давомида деярли тўхтамаган. Истиқлолга интилган миллат қаҳрамонлари зулм ва зўравонлик қурбони бўлган. Мамлакатимиз мустақиллиги туфайли уларнинг пок номлари тикланмоқда.

Мустабид тузум даврида халқимизнинг ери, кучи, бор салоҳияти фақат деҳқончи-

ликка йўналтирилди. “Ўзбек” деганда, фақат эртаю кеч пахта даласида меҳнат қиладиган заҳматкаш инсонлар тасаввур қилинар эди. Пахта сиёсати Оролни қуритди, экологиямизни инқирозга олиб келди, иқтисодиётимизни, таълим тизимини издан чиқарди.

Бугун пахтачиликда бозор иқтисодиёти таъминлари жорий этилиб, мажбурий меҳнатга ва болалар меҳнатига чек қўйилди. Ўқитувчи мактабга, шифокор шифохонага қайтди. Ўзбекистон халқаро “қора рўйхатлар”дан чиқарилди.

Сиёсий мустақиллик замирида энг аввало иқтисодий мустақиллик этиши ҳеч кимга сир эмас. Меҳнат ва машаққатлар билан бу асос мустаҳкамланиб бормоқда. Сўнгги 6 йилда юртимизда ялли ички маҳсулот ҳажми 1,5 мартадан зиёд, тadbиркорлик субъектлари сони 2 карра кўпайгани, саноатдаги ўсиш 40 фоиздан ошгани буни яққол тасдиқлайди.

– Лекин биз бугун билан кечаги кунни эмас, бугун билан эртанги кунни таққослашимиз, ишимизни шу асосда ташкил этишимиз керак. Зеро, келажак бугун биз ташлаётган қадамлардан бошланади, – деди Президент.

Давоми 2-бетда. ▶

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев энг азиз умуммиллий байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигини эълон қилинганининг 32 йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманитарлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида **“Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўн-гилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 286 нафар шахс афв этилди.”**

Афв этилган шахсларнинг 109 нафари асосий жазодан озод этилди, 116 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 25 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 36 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 39 нафарини аёллар, 22 нафарини 60 ёшдан ошган эркек, 30 нафарини чет эл фуқаролари, 3 нафарини тақиқланган ташкилотлар иштирокчилари ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оила-си ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

RASMIY

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

бир ҳақиқатни тан олишга мажбурмиз: “Ўзбек” деганда, фақат эртаю кеч пахта дала-сида меҳнат қиладиган заҳматқаш инсонлар тасаввур қилинган эди. Афсуски, шу даражага тушиб қолган эдик.

Пахта ҳукмронлиги ўзбекнинг пешонаси-га ёзилган бало бўлди. Пахта сиёсати Орло-ни қуритди, экологиямизни инқирозга олиб келди, иқтисодиётимизни, таълим тизимини издан чиқарди. Оқибатда бир неча авлод ча-ласавод бўлиб вояга етди. Биз бунинг асо-ратлари билан ҳалигача курашяпмиз.

Бугун пахтачиликда бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий этилиб, соҳа ўз эгасини топди. Натижада ўқитувчи мактабга, шифо-кор шифохонага қайтди, тадбиркорлар пахта “ўлпони”дан озод бўлди, мажбурий ва бо-лалар меҳнатига чек қўйилди. Ўзбекистон халқаро “қора рўйхатлар”дан чиқарилди.

Барчамизнинг фидокорона меҳнатимиз, ғайрату шижоатимиз билан Янги Ўзбекистон орсунга реал ҳақиқатга айланмоқда. Халқаро майдонда Ватанимизга нисбатан ҳурмат ва эътибор тобора ортиб бормоқда.

Президент сифатида дастлабки ишларим-дан бири кўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ўрнатиш бўлди. Йиллар да-вомида ечимини қутаётган муаммолар ҳал этилди. Бунинг натижасида Марказий Осиё давлатлари билан барча соҳалардаги алоқа-ларимиз янги босқичга чиқди.

Қадри юртдошлар!

Сиёсий мустақиллик замирида энг аввал-ло иқтисодий мустақиллик ётиши ҳеч кимга сир эмас. Охириги йилларда амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимиз бу йў-лда мустақам пойдевор бўлиб хизмат қил-моқда. Сўнги 6 йилда юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,5 мартадан зиёд, тадбир-корлик субъектлари сони 2 қарра кўпайгани, саноатдаги ўсиш 40 фоиздан ошгани буни яққол тасдиқлайди. Қисқа муддатда кам-бағалликни 2 баробардан зиёд қисқартириш-га эришдик.

Лекин биз бугун билан кечаги кунни эмас, бугун билан эртанги кунни таққослашимиз, ишимизни шу асосда ташкил этишимиз ке-рак. Чунки, келажак бугун биз ташлаётган қадамлардан бошланади.

Азиз дўстлар!
Биз мутафаккир зотларнинг: **“Давлат-нинг вазифаси инсонларни бахтли-сао-датли қилишдир. Бу мақсадга эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида эришилади”**, деган ҳикмати сўзларини ўзимиз учун дастур деб биламиз.

Маълумки, биз бир йил аввал тараққиёт-мизнинг 5 та асосий йўналишини белгилаб олган эдик. Унда таълим соҳасини ривожлан-тириш биринчи галдаги устувор вазифа си-фатида қайд этилган.

Мен доимо таълим, таълим, муаллим, му-аллим, деб таъкидлашим бежиз эмас. Чун-ки таълимни ривожлантирмасдан туриб юк-сак тараққиётга эриша олмаيمиз. Ҳар қандай муаммонинг ечимини ҳам, эртанги кунимизни ҳал қилувчи омил ҳам, шубҳасиз, таълимдир.

2022 йили мамлакатимизда 72 та янги мактаб қурилди, 279 таки капитал таъмирдан чиқарилиб, 514 та мактаб эса реконструкция қилинди. Мактаблар учун 30 мингдан ортқ компьютер харид қилинди. Янги ўқув йил-дан республикамиз мактабларида хориждан

маҳсус таклиф этилган 500 нафар англиз тили мутахассислари болаларимизга дарс беради. Бошланғич синф ўқувчилари илғор хорижий тажриба асосида ишлаб чиқилган янги дастур ва дарсликлар бўйича ўқий бош-лайдилар.

Худди шу каби, соғлиқни сақлаш, бизнес-ни ривожлантириш, суд тизимини такомил-лаштириш ҳамда сув ва ёқилги-энергетика муаммоларини ҳал этиш юзасидан катта лой-иҳалар бошланган. Яна бир бор таъкидлай-ман: ушбу белгиланган устувор йўналишлар бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!
Агар 3 минг йиллик тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, ота-боболаримиз аср-лар мобайнида дунё тамаддунига нафақат жисмоний, балки интеллектуал меҳнати бил-лан улкан ҳисса қўшганига гувоҳ бўламиз.

Биз жаҳонга фақат хомашё эмас, аввало илм-маърифат, маънавий бойлик етказиб берган не-не улғур зотларнинг авлодимиз. Ҳеч шубҳасиз, уларга хос бўлган буюк фази-латлар, улар яратган шонли анъаналар бугун ҳам бизнинг қалбимизда, онгимизда, ҳаётим-изда яшамоқда.

Мен ишонман, биз бу тарихий йўлни му-носиб давом эттиришга ҳар томонлама қо-дирмиз. Бугунги кунда дунё харитасида тут-ган ўрнимиз, ўз олдимизга қўяётган жуда ул-кан мақсад ва марраларимиз ҳам айнан шуни тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз транс-порт-логистика тизими билан бирга, бугун замоннинг ўзи талаб қилаётган илм-фан, ин-новация, IT ва ақлий меҳнатга асосланган бошқа соҳаларни жадал ривожлантиришга устувор аҳамият қаратаймиз. Айнан шу йўна-лишлар Ўзбекистон иқтисодиётининг яқин келажакдаги асосий локомитивларига айла-нади.

Муҳтарам дўстлар!
Бугун бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим масала – экологик муаммолар ва сув таъқислигидир. Тарозининг бир палласида ўсиб бораётган қурилишлар, ишлаб чиқа-риш, қишлоқ хўжалиги турган бўлса, инкин-чи палласида ҳар биримиз учун энг зарур бўлган сувни тежаш, атроф-муҳит ифлосла-нишининг олдини олиш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи турибди.

Бизнинг вазифамиз – ҳар икки йўналишда ҳам мувозанатни сақлашдан иборат. Ҳеч қач-он унутмаслигимиз лозимки, табиий ресурсл-лар – бу келажак авлодларимизга ҳам теги-шли бўлган бойликдир. Шу боис, улардан на-фақат бугунги, балки эртанги кунимизни ҳам ўйлаб, оқилона фойдаланишимиз зарур.

Бу борада сувни, энергия ва бошқа та-биий ресурсларни тежайдиган иқтисодиётга тезроқ ўтиш муҳим аҳамиятга эга. Биз учун “яшил” ва рақамли технологиялар, иннов-ация ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш вазифаси ҳам долзарб бўлиб турибди.

Қадри юртдошлар!
Янгиланган Конституциямизда Ўзбекис-тоннинг дунёвий давлат ва турли мадани-ятларни бирлаштирган макон экани аниқ белгилаб қўйилди. Бизнинг куч-қудратимиз – мана шунда, биз бу бойликни кўз қорачи-гидек асрашимиз керак. Тарихга қарайдиган бўлсак, асрлар давомида юртимизда турли хил эътиқод ва қарашлар, динлар, маданият-лар бағрикенглик билан қабул қилинганини

кўрамай.

Биз – низоларни уруш билан эмас, тинч-лик билан ҳал этиш йўлини танлайдиган халқмиз. Биз барча халқлар билан ҳамisha муроаси мадора, дўстлик ва ҳамкорликда яшаб келганмиз. Бугунги тараққиёт йўлими-зда ҳам айнан шу тамойилларга таянамиз.

Бизга, биринчи навбатда, кучли фуқаро-лик жамияти зарур, чунки ҳар қандай ис-лоҳот ҳар биримизнинг юрагимиздан, онги-миздан бошланиши лозим. Адолатли қонун-лар бўйича виждонан яшашга тайёр бўлиши-ми, мамлакат келажакдаги учун бир ёқадан бош чиқариб, олға қадам босмоғимиз керак.

Бугун ривожланган фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳақида гап борар экан, буни сўз ва матбуот эркинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугун дунёда журналистлар ўзла-ри ва жамиятни ўйлантираётган, хавотирга солаётган мавзулар ҳақида гапириш ва ёзиш ҳуқуқи учун, ҳақиқат учун курашганлар ва бундан кейин ҳам курашадигар.

Аммо, ишонч билан айта оламаники, мен эркин фикрли журналистлар тарафидан бўл-ганман ва доимо шу позицияда бўламан. Айни вақтда ахборот маконида ҳаққонийлик ва холислик бош мезон бўлиши керак.

Ҳурматли байрам қатнашчилари!
Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдура-уф Фитрат таъбири билан айтганда, **“хо-тин-қизлар – бу миллат оналаридир”**. Улар миллатнинг янги насли – фарзандлари-ни тарбиялаш учун ўзлари ҳам юксак билим-ли бўлишлари зарур.

Шундай экан, олдимизда турган яна бир муҳим вазифа – жамият ҳаётининг барча соҳаларида аёллар учун тенг имкониятлар яратишдир. Ҳурматли хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, улар-нинг ҳуқуқ ва манфаатларини, касб соҳаси бўйича ўсишини таъминлаш борасида ўтган даврда кўп ишларни амалга оширдик. Шу би-лан бирга, бу йўналишда қиладиган ишлари-миз ҳам оз эмас.

Маълумки, муҳтарам аёлларимиз зим-сида хизмат соҳасидаги вазифасидан ташқа-ри, фарзандлар тарбияси, оилада соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ахлоқий-маънавий анъаналарни давом эттиришдек мураккаб вазифалар ҳам бор. Шундай экан, меҳрибон опа-сингилларимизни ҳар қанча қўллаб-қув-ватласак, арзийди.

Мана, бу йил оиладаги зўравонликка қар-ши қонунни қабул қилдик. Бундан қўзланган асосий мақсад – оилалар мустаҳкамлигини, аёлларимизнинг бахти ва химоясини таъмин-лашдир. Биз бу йўналишдаги ишларимизни бундан кейин ҳам изчил давом эттираемиз.

Азиз юртдошлар!
Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқ-мизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлитлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси деб билмоғи керак!

Биз бир бўлсак – ягона халқимиз, бир-лашсак – Ватанимиз!

Ҳурматли юртдошлар!
Инсоният охириги беш-олти йил мобайнида сўнги юз йил давомида ўз бошидан ўткази-ши мумкин бўлган барча синовлар билан юз-ма-юз келгани сизларга маълум.

Бу пандемия бўладими, табиий офатлар, зилзилалар бўладими, қуролли тўқнашувлар, глобал исиш ҳамда қурғоқчилик бўладими – барчаси башариятни қаттиқ синовдан ўт-казди ва ўтказмоқда. Мазкур мураккаб ва-

зиятни, таъбир жоиз бўлса, кучли ва қаттиқ тўфонга қиёслаш мумкин.

Бундай офатлар оқибатида “манаман” де-ган дарахтларнинг ҳам барглари узилиши, шохлари синиши, қуртаклари тўкилиши, ҳат-то мевалари нобуд бўлиши мумкин. Лекин илдири мустаҳкам ва чуқур бўлган дарахтлар йиқилмайди. Аксинча, ерга ўша томирлари билан янада маҳкам боғланади. Қайта қуртак ёзади, мевалар тугаверади. Бу – ҳаёт қонуни.

Бизнинг қадимий ва мустаҳкам илдири-римиз бор. Бу – бизнинг тарихимиз, қадрият ва анъаналаримиз, урф-одатларимиз, мил-лий ўзлигимиздир. Мен ана шу теран илди-ларимизда юртни, миллатни бирлаштиради-ган буюк бир гоёни кўраман.

Биз Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз тинчлигини таъминлашнинг ишончли кафо-лати бўлган Қуролли Кучларимиз салоҳияти-ни оширишга, ҳарбий хизматчилар ва улар-нинг оилалари учун янада муносиб шароит яратишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Дунёнинг олис ва яқин мамлакатлари, айниқса, кўшни давлатлар, халқор ва ми-натақавий ташкилотлар билан дўстлик ва ўза-ро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқамиз. Бу борада мамлака-тимиз ва хорижий давлатлар дипломатлари-нинг хизматларини алоҳида таъкидлаш ло-зим.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, бугун-ги тантанали маросимда хорижий давлатлар-нинг ҳурматли элчилари, халқор ташкилот-лар вакиллари иштирок этаётганидан мамнун эканимни билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик ва равнақ тилайман.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Барчангиз бир ҳақиқатни билшингизни истардим. Бизнинг жамики саъй-ҳаракатла-римиз мамлакатимиз равнақи учун, ўз Вата-нига садоқатли халқимиз учун, сизлар учун, азиз юртдошлар!

Бугун олдимизда турган вазифалар қан-чалик улкан ва мураккаб бўлмасин, уларни биргаликда ҳал этишга кучимиз ҳам, имкони-ятимиз ҳам етади.

Биз энди кечаги одамлар эмасмиз. Халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

Тарихдан маълум: вақтни – имкони-ятга, имкониятни – ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворида айлантира олган халқ – буюк халқдир. Бугун меҳнатқаш, мард ва олижаноб, меҳр-оқибатли эли-миз айна шундай халқ бўлиб майдонга чиқмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Янги Ўзбекистон-ни барпо этишда фидокорона меҳнат қи-либ келётган барча юртдошларимизга, она халқимизга чин қалбимдан миннатдорлик бил-дираман.

Сиз, азизларни, каттаю кичик барча ва-тандошларимни бугунги улғур айём – Ўзбекис-тон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги билан яна бир бор чин қалбим-дан табриқлайман.

Барчангизга сихат-саломатлик, хонадон-ларингизга бахту саодат, файзу барака ти-лайман.

Барча ютуқ ва галабаларимизнинг ижод-кори ва бунёдкори бўлган халқимиз ҳамisha омон бўлсин! Гўзал юртимизда тинчлик ва осийшталик бардавом бўлсин!

Жонажон Ватанимизга кўз тегмасин!
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ВАТАН ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА ШАҲИД КЕТГАНЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ БАРҲАЁТДИР

Мустабид ва истилолар дав-рида заминимизда минглаб бегуноҳ инсонлар умри ҳазон бўлганини, қанча-қанча оила-лар пароканда ва хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолгани-ни тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Президент Шавкат Мирзиёев 31 август кунни эрта тонгда Шаҳид-лар хотираси хиёбонига ташриф буюрди.

Қуръон тиловат этилиб, ўтган-лар ҳақида дуо қилинди. Элга ош тортилди.

Мустақиллик кунларида мил-латимиз ойдинлари хотирасини эъозлаш, хизматларини эслаш яхши анъана. Чунки улар халқи-миз озодлиги учун, бугунгидек эмин-эркин кунлар учун интилган эди. Бу сана Ватанга фидойилик унутилмаслигини, ҳамisha қадр-ланишини англатади.

Мустабид тузум даврида юр-тимизда минг-минглаб одамлар қатағонга учраган. Оилалари хо-навайрон бўлиб, болалари етим қолган. Биргина 1937-1938 йил-лардаги катта қирғин даврида 7 мингга яқин ватандошимиз отил-ган.

Ҳозирги хиёбон шундай қатл-лар ижро этиладиган муҳиш жой

бўлган. Мустақиллик йилларида у обод масканга айлантирилди. Бу ерда “Қатагон қурбонлари хотира-си” музейи, Қорақалпоғистон Рес-публикаси ва вилоятларда унинг филиаллари ташкил этилди. Айни пайтда музейда Туркистон маъ-рифатпарварларига бағишланган кўргазма очилган.

Хиёбондаги рамзий қабр ёнида ҳам Қуръон тиловат қилинди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” боги-га бориб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Бу монумент она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнатқаш, қаҳрамон халқимиз шарафига қўйилган обиди. У Президенти-миз юзасида асосида дав-латимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этил-ган. Мамлакатимиз ҳаётидаги ул-кан воқеалар, хорижий ташрифлар чоғида бу ерга гул қўйиш анъанага айланган.

Маросимда Олий Мажлис Қо-нунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, ва-зирлик ва идоралар, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳам иштирок этиб, монумент пой-ига гуллар қўйди.

Ў.А.

ВАҚТНИ – ИМКОНИЯТГА, ИМКОНИЯТНИ – ЮТУҚҚА, ЮТУҚНИ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИГА АЙЛАНТИРА ОЛГАН ХАЛҚ – БУЮК ХАЛҚДИР

Мамлакатимиз тинчликдан тараққиётнинг асо-си таълим экани таъкидланиб, бу соҳада қилинаётган ишлар қайд этилди.

– Агар 3 минг йиллик тарихимизга назар ташлайди-ган бўлсак, ота-боболаримиз асрлар мобайнида дунё тамаддунига нафақат жисмоний, балки интеллектуал меҳнати билан улкан ҳисса қўшганига гувоҳ бўламиз. Биз жаҳонга фақат хомашё эмас, аввало илм-маърифат, маънавий бойлик етказиб берган не-не улғур зотларнинг авлодимиз. Ҳеч шубҳасиз, уларга хос бўлган буюк фа-зилатлар, улар яратган шонли анъаналар бугун ҳам бизнинг қалбимизда, онгимизда, ҳаётимизда яшамоқда. Мен ишонман, биз бу тарихий йўлни муносиб давом эттиришга ҳар томонлама қодирмиз, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Давлат раҳбари ўз нутқида бугун мамлакатимиз ол-дида турган муҳим масалаларга жамоатчилик эъти-рини тортиди. Экологияни асраш, сув, энергия ва бошқа табиий ресурсларни тежайдиган иқтисодиётга тезроқ ўтиш, инновация ишлаб чиқариш корхоналарини бар-по этиш вазифаси долзарб экани қайд этилди.

– Ҳеч қачон унутмаслигимиз лозимки, табиий ресурсл-лар – бу келажак авлодларимизга ҳам тегишли бўлган бойликдир. Шу боис, улардан нафақат бугунги, балки эртанги кунимизни ҳам ўйлаб, оқилона фойдаланиши-миз шарт, – деди мамлакатимиз етакчиси.

Яна бир муҳим вазифа – жамият ҳаётининг барча соҳаларида аёллар учун тенг имкониятлар яратиш экани таъкидланди. Бу ҳақда гапирар экан, Президент маъри-фатпарвар бобомиз Абдурауф Фитратнинг “хотин-қизлар – бу “миллат оналаридир” деган сўзларини ёдга олди.

Инсоният охириги йилларда қаттиқ синовлар билан юз-ма-юз келгани, бунда иродаси мустаҳкам ва бирлаш-ган халқлар барқарор ривожланиши таъкидланди.


– Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқимизнинг

◀ Давоми, бошланishi 1-бетда.

president.uz сайтидан олинди.

IFTIXOR

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН... БУ
БУТУНЛАЙ ЯНГИЛАНАЁТГАН
ТАФАККУР ВА БУЮК
КЕЛАЖАККА ҚАРАТИЛГАН
МАҚСАД, УМУММИЛЛИЙ
ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ
ДАВРИНИ ОЧИБ БЕРАДИГАН
ТУШУНЧА.
УМУМУН ОЛГАНДА,
“ЯНГИ” СЎЗИНИНГ МОҲИАТИ
РУСУМГА АЙЛАНИБ
ҚОЛГАН, БИР ХИЛДАГИ
ҲАЁТ ТАРЗИГА ЭВРИЛИШНИ
ТАҚОЗО ЭТАДИГАН ҲОДИСА.
ДЕМАК, ТАСАВВУРЛАРДАГИ,
ТАФАККУРДАГИ
ЎЗГАРИШЛАР ИНЪИКОСИ.
АНА ШУНДАЙ ЭВРИЛИШЛАР
БУТУН ЖАМИЯТНИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДЕБ АТАЛГАН
ШОНЛИ, ШУКУҲЛИ
ХОНАДОНИМИЗНИ
БУТУНЛАЙ ЯНГИ, МОҲИАТАН
ЎХШАШИ ЙЎҚ ҲОЛАТИНИ
ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТАДИ.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ФЕНОМЕНОЛОГИК ЖИҲАТЛАР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Давлатимиз раҳбари “Янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар керак, янги натижалар керак. Шундагина у том маънода янги давр бўлади”, деб алоҳида таъкидлаган эди. Бу соддагина гапда бутун жамиятни, одамларни, давлатни янгилаш истаги. Бутунлай янгилик сиёсий, ижтимоий ва маънавий-маърифий қарашларни тақозо этадиган, миллат ва давлат тақдири билан боғлиқ бўлган, унинг истиқболлини белгилаб берадиган ғоя.

Давлатимиз раҳбарининг бутунлай янги қарашлари нуқтаи назаридан қараганда:

Янги Ўзбекистон бу – энг аввало инсон қадри, қиммати, шаъни ва унинг ҳаётий эҳтиёжлари тўла қафолатланган, миллати, тили ва динидан қатъи назар ҳар бир фуқаро ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча шароитлар яратилган мамлакат.

Янги Ўзбекистон бу – ғоявий жиҳатдан чиниққан, ўз келажаги ва мамлакат истиқболлига қатъий ишонч билан қарайдиган, маънавий жиҳатдан баркамол, курашчан ва ташаббускор одамлар юрти.

Янги Ўзбекистон бу – ўзининг яратувчилик имкониятларини, бунёдкорлик қобилиятини, юксак интеллектуал салоҳиятини намоён қила оладиган ва худди ана шу ноёб фазилатлари билан бутунлай янги ва маърифатли жамият барпо этадиган фуқаролар мамлакатини.

Янги Ўзбекистон бу – глобал дунёда манфаатлар тўқнашуви авж олаётган, янги жаҳон тартиботини вужудга келтиришга интилаётган, давлатлар таъсири тобора ошиб бораётган бир пайтда она юртини, муқаддас ватанини, миллий қадриятларини ҳимоя қила оладиган, уни асрай биладиган маънавий юксак кишилар юрти.

Президентимиз “**Ҳар қайси инсоннинг қалбида бир кўш бор, фақат унга нур сочиш имконини бериш керак**”, – деган эдилар. Дарҳақиқат, ҳар бир одам бетакрор олам, унинг ўз қалб осмони, кўёши, ҳаётга, яшашга, ўз турмушини ўзи йўлга қўйишига, жамият тараққиётига қандайдир ҳисса қўшишга рағбатлантирадиган, янгидан-янги мақсадлар билан яшашга даъват этадиган руҳий қувват бор. Ана шу қувват кўёш янглиғ ҳаётбахш, ҳар қандай зулматни ёритадиган, қисматга боғлиқ бўлган ҳар қандай тўсиқни енга биладиган маънавий қудрат. Янги Ўзбекистон ана шу тарзда ўз киёфасига, мазмунига, моҳиятига эга бўлмоқда.

2021 йил 31 август куни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 30 йиллигини нишонланаётган паллада давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон боғига асос солди. Уни танатанали равишда очиб берди. Боғга ҳозирги замон цивилизацияси ютуқлари, шаҳарсозлиги, илғор тажрибалари ва бир неча мингйиллик миллий меъморчилик

» **Боғнинг марказида мустақиллик ёдгорлиги барпо этилди. Бу юксак санъат ва меъморчилик уйғунлашган ноёб мажмуа бутун халқимиз орзуларини, мақсадларини, бир неча мингйиллик бой тарихий ютуқларини ўзида ифода этган.**

анъаналаримиз уйғунлашган ҳолда бутун бир ансамблга асос солинди. Унда кўл, спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари, амфитеатр, фавворалар, савдо-хизмат кўрсатиш шохобчалари, қадимий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати дўконлари қурилди ҳамда ҳар қандай кишининг яхши дам олиб, ҳордиқ чиқариши учун кенг шароит яратилди.

Боғнинг марказида мустақиллик ёдгорлиги барпо этилди. Бу юксак санъат ва меъморчилик уйғунлашган ноёб мажмуа бутун халқимиз орзуларини, мақсадларини, бир неча мингйиллик бой тарихий ва маданий ютуқларини ўзида ифода этган.

Ўзбекистон миллий давлатчилиги, айтиш мумкинки, жаҳон давлатчилиги ибтидоиси билан тенгдош. Бошқача айтганда, турли уруғлар, қабилалар ёввойи шаклда кун кечираётган антик даврда, ибтидоий ҳаёт шароитида жамоа бўлиб яшаш, жамоани бошқариш, унинг ҳар бир аъзосининг

кайфияти, эҳтиёжини назарда тутган ҳолда, умумий мақсадлар ва умумий тақдир атрофида жипслашиб яшаш сингари илк давлатчилик куртаклари айни ана шу маконда пайдо бўлган эди. Мазкур мажмуа ана шу узундан-узоқ тарихни, мингйилликлар мобайнида ажодларимиз яратган буюк маданий меросни ва улар орқали инсон эволюцион ривожланиши тамойилларини ўзида ифода этган.

Ўтмишдаги ютуқ ва ғалабаларимиздан куч-қувват олиб, хато ва камчиликлардан сабоқ чиқариб, аниқ хулосаларга ва истиқболга қаратилган буюк мақсадларга замин яратиш ғояси мажмуада яққол ифода этилган. Тарихдан сабоқ чиқариш, унинг улуг мураббий сифатидаги тарбиявий жиҳатларини чуқур англаб яшайдиган халқ ўзининг тараққиётини ва келажагини тўғри белгилай олади. Шунинг учун биз ушбу ёдгорлик тимсолида она Ўзбекистоннинг энг қадимий тарихдан бошлаб то бугунги кунга қадар юз берган энг муҳим воқеаларни ана шу улкан ва маҳобатли ёдгорликда кўришимиз ва ўқишимиз мумкин.

Мажмуада ўтмишда яшаб ўтган буюк ажодларимиз, саркарда ва жаҳонгирлар, алломо ва мутафаккирлар, буюк цивилизацияларга асос солган донишмандлардан тортиб, жадид боболаримизнинг ёрқин сиймолари тарихий хронологик тарзда акс эттирилган. Ҳар бир сиймо ўз даврининг тарихини сўйлаб бераётгандай. Ўзбекистоннинг Совет иттифоқи давридаги оғир аҳволи, машаққатли ҳаёти, турли қатағонлар, халқимизнинг иккинчи жаҳон урушига қўшган ҳиссаси, жасорати ва матонати таъсирчан лавҳаларда маҳобатли санъатнинг энг нодир намуналари сифатида акс эттирилган.

Ёдгорликда юртимизда янги Ўзбекистоннинг буюк келажаги, учинчи Ренессансга асос солиш, унинг мустақкам пойдеворини яратишда тараққиётнинг янги даврини вужудга келтириш сингари буюк сакрашга доир ғоялар сингирилган. Хусусан, бунда миллий ва жаҳон давлатчилигининг рамзи, соҳибқирон Амир Темур салтанатининг ифодаси бўлган мовий гүмбаз халқимиз ва давлатимизнинг паноҳгоҳи, турли изғиринли, бўронли ва тўфонли ҳолатлардан асрайдиган маҳобатли қалқон маъносини англатади.

Зотан Амир Темур давлатчилиги жаҳон давлатчилигининг нодир ва ноёб ютуғи. У ижтимоий адолат тамойиллари ва инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўла қафолатланган баркамол давлат сифатида ҳамон мавқеини йўқотмаган. Улуғ олим ва давлат арбоби, жаҳон астрономия фани тараққиётига буюк ҳисса қўшган Мирзо Улуғбек расадхонасининг рамзий ифодаси сифатида

ердан осмонга кўтарилган иншоот янги Ўзбекистон тараққиётининг буюк рамзидир.

Расадхонанинг юлдузлар, бепоеён коинот, ой ва кўёш, бошқа сайёралар оламига уланган Ўзбекистон халқи буюк орзуларининг, ўз келажагига катта ишонч билан қараётганининг, бу серғалва дунёда ўз тақдирини ўзи яратишга қодир бўлган катта ақл ва интеллектуал салоҳиятга эга эканлигини кўрсатади.

Мажмуада жаҳон фани, маданияти ва санъати буюк ҳисса қўшган улуг бобокалонларимиз, умумпланетар жаҳон цивилизацияларига ва бутунлай янги сакраш ҳодисаларига дахлдор ажодларимиз сиймоси акс эттирилган. Уларнинг жаҳон фани тараққиётига кескин бурилиш ясаган, бутун инсоният мулкига айланган нодир илмий кашфиётлари, оламшумул ихтиролари ўзининг бор маҳобати, салобати, моҳияти ва шуқуҳи билан кўз олдимизда яққол намоён бўлади.

Тинчлик ва барқарорлик, эркинлик ва ҳуррият, эзгулик ва фаровонлик тимсоли бўлган, янги Ўзбекистон осмонида шиддат билан парвоз этаётган афсонавий Хумо қуши тасвири ёдгорликнинг энг юқорисиди ўрнатилган. У кумуш қанотларини кенг ёзиб, она Ўзбекистон осмонида, буюк халқимиз боши устида шиддат билан парвоз этмоқда.

Ривоятларга кўра, афсонавий Хумо қуши бахт-саодат, давлат ва тинчлик рамзи. У кимнинг бошига қўнса ё тепадан соя солса, бу одам юксак мартабага, обрў-эътиборга, бекиёс куч-қудратга эга бўлган. Демак, Хумо қуши янги Ўзбекистон халқи эзгу орзулари ва буюк мақсадлари рўёбининг ифодаси. У халқимиз саодатли истиқболдан далолат беради.

Мустақиллик ёдгорлиги Она-Ватанимиз, жонажон Ўзбекистонимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида сифатида қад ростлади. У бутун мазмун-моҳияти билан ҳам, шаклу шамойили билан ҳам мамлакатнинг бетимсол суврати, маҳобатли ифодаси соф ижтимоий, инсон манфаатларига йўналтирилган янги Ўзбекистон давлатининг рамзига ва миллатнинг қадриятига айланди.

Мустақиллик ёдгорлигининг маҳобатли ўтмишимиз ва буюк келажагимиз ифода этилган жойида “**Халқимиз тарихида эзгу из қолдирган барча ажодларимиз доимо қалбимизда**”, деган ёзув бор. Бу ҳар бир кишининг қалб шиори, виждон амри. Зотан, биз улуг ажодларимиз руҳи олдида қарздорлик, келажак авлод олдида мажбурият ҳис-туйғулари билан яшаймиз.

Нарзулла ЖўРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор

ТИББИЙ КЎРИК ҚАНДАЙ ВА ҚАЧОН ЎТКАЗИЛИШИ КЕРАК?

ҚАР ҚАНДАЙ МАМЛАКАТНИНГ ҚУДРАТИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ БИЛАН БЕЛГИЛАНИШИДА МУҲИМ ҲИКМАТ БОР. ҲАММАМИЗ УЧУН АЗИЗ БЎЛГАН ЮРТИМИЗДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ МАСАЛАСИГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИЛАЁТГАНИ ЗАМИРИДА УЛУҒ, ЭЗГУ МАҚСАДЛАР МУЖАССАМ. БУ БОРАДАГИ ҚАР БИР ЯНГИЛИК ВА ЯХШИЛИКНИ ХАЛҚИМИЗ ЮРАК-ЮРАҚДАН СЕЗИБ ТУРГАНИГА АМИНМАН.

ТАЪЛИМДА ИЛҒОР ДАВЛАТЛАР ИЛМ-ФАН, ТЕХНИКА СОҲАСИДА, УМУМТАРАҚИЁТДА ЕТАКЧИЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТАЁТГАНИ СИР ЭМАС. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШГА, МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАҚСАДЛАРИГА КАТТА КУЧ ВА МАБЛАҒЛАР ЙЎНАЛТИРИЛМОҚДА. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ, МАКТАБ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМЛАРИ, ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИ РЎЙ БЕРМОҚДА.

Куни кеча Президентимиз бошчилигида ўтказилган йиғилишда мактаб таълимини тубдан ривожлантириш бўйича тизимли чора-тадбирлар белгиланди. Бутунлай янгича ғоя ва ташаббуслар илгари сурилди.

Замонавий дунёда интеллектуал ва ижтимоий капитал давлатлар тараққиётида тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Бундай шароитда замонавий сифатли билим беришга асосланган таълимгина мамлакатнинг рақобатбардошлигини кафолатлай олади. Ушбу жараёнда ностандарт, креатив ва танқидий фикрлаш, юқори интеллектуал салоҳиятга эга мутахассисларга талаб ортади.

Кейинги йилларда педагог ва ўқитувчиларни йиллар давомида ўйлантириб, қийнаб келган кўплаб масалалар Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси, чексиз ва самимий меҳри билан оқилона ҳал этилди. Педагогларнинг ҳурмати жойига қўйилди. Ҳам маънан, ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимлар яратилди. Кечаги мажлисда ҳам яна кўплаб имкониятлар яратиб берилиши қайд этилди. Бундай янгилик ва яхшиликлардан нафақат ўқитувчилар, балки ҳар бир юртдошимиз хурсанд, мамнун, десак ҳеч муволажа бўлмайд.

Ўқитувчилик табиатан фидойиликни, доимий масъулиятни тақозо этадиган соҳа. Айниқса, барча масалалар босқичма-босқич ҳал этиб берилаётган пайтда ҳар бир педагог бурчимизга қанчалик садоқатли бўла оляймиз, ёш авлод ўрнак ва ибрат олиши учун қандай маънавий жасорат кўрсатамиз, деб ўзига савол бераётган бўлса керак, албатта.

Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши керак? Бу жуда муҳим савол.

Мустақиллик даврида ушбу масала кўплаб олимларнинг, зиёли аҳлининг, ота-оналарнинг диққат-эътиборида бўлди. Ўқитувчилар учун методик қўлланмалар, дарсликлар яратила бошланди, бу соҳада изланишлар, илмий-тадқиқотлар қизгин давом этмоқда.

Глобал ўзгаришлар, фан-техника ва ахборот-коммуникация технологияларининг кун сайин ривожланиб бориши XXI аср ўқитувчисидан педагогик маҳоратни, ўткир иродани, педагогик-психологик билимларни, ўз фанини чуқур билишни ва юксак тафаккурни, сиёсий саводхонликни, фикрлаш доираси кенг ва мулоҳазали бўлишни талаб қилади.

Ўқитувчи, муаллим, мураббий, умумий қилиб айтганда, педагоглар қандай хислатларга эга бўлиши керак?

Албатта, бу ҳақда кўпчиликнинг ўз фикри, мустақил қараши бор.

Тиббиёт ходими сифатида, фикримизча, у аввало ҳар томонлама соғлом инсон бўлиши лозим. Улуғ Конфуций "Хоҳласангиз, меҳрибон бўлинг, қўлингиздан келса, доно бўлинг, лекин сиз доимо соғлом бўлишингиз шарт", деб айтган экан. Жорий йил 30 апрель куни халқимиз томонидан маъқулланган янгиланган Конституцияда ҳам

ҳар бир фуқаронинг саломатлиги ҳимоя қилиниши ва таълим олиши ҳақидаги кафолатлар мустаҳкамлаб қўйилди.

Хўш, келажакимиз бунёдкорларига таълим-тарбия бераётган педагогларнинг бугунги саломатлик кўрсаткичлари қандай?

Маълумки, "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 45-моддасида (давлат таълим муассасалари ва ташкилотлари учун) педагоглар давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул тиббий кўриқдан ўтиши белгилаб қўйилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 200-буйруғи асосида ҳар йили ўқитувчи-педагоглар тиббий кўриқдан ўтади. Аммо бир неча йилдан бери тиббий кўрик рўйхатига киритилган текширувларнинг баъзилари пуллик асосда (барча фуқароларга) бажарилгани сабабли ўртада зиддият ва тушунмовчиликлар юзага келмоқда эди.

Ҳурматли Президентимиз ушбу муаммога алоҳида эътибор қаратиб, барча педагоглар тиббий кўриқдан, албатта, бепул ўтишлари лозимлигини белгилаб берди.

Педагогнинг саломатлиги унга таъсир кўрсатувчи бир қатор омилларга боғлиқ. Улардан асосийлари бу – ҳаёт тарзи, ташқи муҳит, касбий фаолият омиллари таъсиридир. Агар бизнинг жисмоний ва руҳий саломатлигимиз асосида ижтимоий фаровонлик туришини инобатга олсак, жисмоний саломатлик руҳий саломатликни белгилаши ва улар биргаликда касбий саломатликка асос бўлишни кўраимиз.

Педагоглар ижтимоий фаровонлигининг аҳамияти кун сайин ошиб бориши педагоглар саломатлигини тиклашда янги тиббий-психологик-ижтимоий профилактика йўналишини ривожлантиришни тақозо этмоқда. Педагоглик касбини хавф гуруҳидаги касблар таркибига киритиш мумкин.

Узоқ вақт банд бўлишдан ташқари саломатликка салбий таъсир кўрсатувчи омилларга интенсив нутқ юктамаси, руҳий-асабий толиқиш, кўриш қобилиятининг зўриқиши, кам ҳаракатлилик, синф хоналарида касаллик қўзғатувчилар миқдори ошиб боришини киритиш мумкин.

Хориждаги ўрганишлар натижасида 54 фоиз педагогларда ортикча вазн борлиги, 70 фоизда эса таянч-ҳаракат тизимида бузилишлар аниқланган. Асаб тизимидаги бузилишлар 10 йиллик фаолиятдан сўнг 35 фоиз педагогларда, 15 йилдан сўнг 40 фоизда, 20 йилдан сўнг эса 50 фоизда аниқланган экан.

Таълим ташкилотлари ходимларини тиббий кўриқдан ўтказишдан мақсад, бир томондан, педагог ходимнинг болалар билан ишлаш имкониятини аниқлаш бўлса, иккинчи томондан, педагогдаги касбий касаллик ёки умумий касалликларни бошланғич ҳолатида аниқлаш ва уларнинг ривожланиб кетишига йўл қўймастикдир.

Адлия вазирлигининг жисмоний ва юридик шахсларнинг

муружаатларини таҳлил қилиш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиilib, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратура, Халқ таълими, Мактабгача ва мактаб таълими, Молия, Соғлиқни сақлаш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилиб белгиланган тартибда ҳукуматга киритилди.

Вазирлик хабарига кўра, Меҳнат кодексининг 214-моддасида иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақт-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиши шарт бўлган ходимлар рўйхати кўрсатилган ҳамда тиббий кўриқлардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмаслиги белгиланган.

Таҳлилларга кўра, қонунчиликда тиббий кўриқлар қайси маблағлар ҳисобидан ўтказилиши назарда тутилмаганлиги оқибатида умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларининг бевосита болаларга таълим ва тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари ўзларининг шахсий маблағлари ҳисобидан соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий кўриқдан ўтказилаётгани маълум бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Фуқаролар соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси ўтказган давра суҳбатида айнан ушбу масалалар соғлиқни сақлаш ва таълим вазирликлари мутаасаддилари иштирокида муҳокама қилинди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг олинган маълумотга кўра, республика бўйича мактаблар ва уларнинг филиалларида жами 507321 нафар педагог меҳнат қилади, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги маълумотида бу рақам 517573 га тенг, маълумот берилган кунга қадар уларнинг 363154 нафари тиббий кўриқдан ўтказилган. 154416 нафари тиббий кўриқдан

ўтмаган. Лекин тиббий кўриқдан ўтган педагогларда қандай касалликлар аниқлангани, уларни даволаш ҳақида етарли маълумот йўқ.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги педагоглар тиббий кўриги учун жами 16097 млн, ундан мактаб ўқитувчилари учун 13617 млн, тарбиячилар учун 2480 млн ажратилди, деб маълумот берган. Лекин маблағлар манбаси, унинг ишлатилиш ҳолати бўйича ахборот тақдим этилмади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилди. Нима учун тиббий кўрик янги ўқув йили олдида ўтказилади? Уни аввалроқ ўтказиб, таътил даврида педагогни соғломлаштириш мақсадга мувофиқ эмасми?..

Масала бўйича яна бир таклиф бермоқчимиз, мактабларимизда ўқитувчи ва ўқувчи, ўқитувчи ва ўқитувчи, ўқитувчи ва раҳбарият ўртасидаги турли кўринишлардаги зиддиятлар ижтимоий тармоқлар орқали аҳоли муҳокамасига сабаб бўлмоқда. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун, албатта, ҳар бир педагог психолог маслаҳатидан ўтиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Вазирлик-идоралар мутасаддилари, соҳалар мутахассислари, фаолларимиз, ота-оналар юқорида келтирилган масалаларда ўз фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан ўртоқлашади, деган умиддамиз.

Мақсуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎЗХДП фракцияси аъзоси.

SANOAT QURILISH BANK

MUSTAQILLIK BAYRAMINGIZ MUBORAK BO'LSIN!

O'zsanoatqurilishbank jamoasi barcha yurtdoshlarimizni mamlakatimiz mustaqilligining 32-yilligi bilan samimiy muborakbod etadi!

Yurtimiz tinch, osmonimiz musaffo, xalqimiz omon bo'lsin!



Xizmatlar litsenziyalangan

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI

НОМИ ҚОРАҚАЛПОҚ

Қорақалпоқ билан ўзбекнинг қалблари кенг,

ЯНГИ ЙЎЛ ВА КЎПРИКЛАР
ҚУРИШ, ИНФРАТУЗИЛМАНИ
ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР
ДАРАЖАСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ
БОРАСИДА АМАЛГА
ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ
КЎЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАР
МИЛЛИОНЛАБ ҚАЛБЛАРНИ
ЯНАДА ЯҚИНЛАШТИРИБ,
ЖИПСЛАШТИРМОҚДА.
БУГУНГИ КУНДА
МАМЛАКАТИМИЗНИНГ
БАРЧА ХУДУДЛАРИДА КАТТА
БУНЁДҚОРЛИК ИШЛАРИ ДАВОМ
ЭТТИРИЛМОҚДА. ҚАЙСИ
ЖАБҲАГА ЭЪТИБОР БЕРИБ
ҚАРАМАНГ, РИВОЖЛАНИШ,
ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ КЎРИШ
МУМКИН. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНГА
ЙЎЛИМИЗНИ МЎЙНОҚ ТУМАНИДАН
БОШЛАМОҚЧИМИЗ.



МЎЙНОҚДАН БОШЛАНАДИ

Давлатимиз раҳбари «Маданият – Мўйноқдан бошланади», деган эди. Дарҳақиқат, Мўйноқда қад кўтарган замонавий иншоотлар билан боғлар, адиблар хиббони, ҳунармандлар аллеяси, музейлар, музика ва санъат мактаблари билан бирга, энг чекка қишлоқларда ҳам янгиланишлар, бунёдқорлик ишлари авж олган.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак Мўйноқ тумани 1931 йили ташкил этилган. Бир вақтлар катта қисмини денгиз эгаллаган ҳудуд, чўл ва ярим даштликлардан иборат. Сўнгги маълумотларга қараганда, туманда 32 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

Туман аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 2017 йилда лойиҳа қиймати 26,4 миллиард сўм бўлган, узунлиги 96,4 км «Кўнғирот – Мўйноқ» магистрал сув қувури ва Кўнғирот туманида қуввати суткасига 7,0 минг кубометрга эга бўлган сув тақсимлаш иншоотининг қурилиши олиб борилиши натижасида 25 мингдан ортиқ аҳоли марказлашган ҳолда тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Мўйноқ ахлининг тарих зарварларида муҳрланиб қоладиган катта ўзгаришларнинг яна бири янги аэропортнинг ишга тушиши бўлди. Шунингдек, тумандаги «МУЙНАК LDSP» корхонаси томонидан умумий қиймати 75 миллиард 801 миллион сўмлик қамишдан қурилиш материаллари (панел) ишлаб чиқариши ташкил этиш лойиҳаси ишга туширилди. Шу билан бир қаторда 2019 йилда фаолият бошлаган «Мўйноқ минерал тузи» корхонасида 100 дан зиёд иш ўрни яратилган. Бу ерда бир ойда 2000 тоннадан зиёд туз ишлаб чиқарилади.

Бугунги Мўйноқ кўчаларида юриб, бошқа шаҳарга келиб қолгандай ҳис этади киши ўзини. Шаҳарнинг бундан 5-6 йил олдинги қиёфаси тубдан ўзгарган. Кенг ва баланд иморатлар, меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, амфитеатр, курант, музейлар, хуллас, барча иншоотлар савлат тўкиб турибди. Сайёҳлар энг кўп қадам ранжида қиладиган очик осмон остидидаги «Кемалар қабристони» музейида денгиз томон сузмақчи бўлиб турган кемалар узок тарихдан сузлаётгандек, унинг мавжли тўқинларини соғиниб, узокларга термиллаётгандек, шарп кумга кўксини босиб, умид билан боқаётгандек, гўё.

Мўйноқ туманида моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига жами 12 та маданий мерос ва зиёрат объектлари киритилган. Булар: Экология музейи, Орол тарихи музейи, Ҳунармандлар аллеяси, «Балқичи уйи» уй музейи, Ҳажим ота, Тоқмақ ота ва Ажиниёз бобо мақбаралари. Шунингдек, Орол денгизи, Судочье кўли, Устюрт текислиги, Очик осмон остидидаги кемалар музейи, Урга қишлоғи ва «Оролдаги богим» лойиҳаси асосидаги инновацион бог шулар жумласидандир.

Тумандаги «Оқ кема» болалар дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳи 2020 йили Президентимизнинг Мўйноқ халқига алоҳида меҳри, қорақалпоқ заминидан улғаяётган ёш авлодларга ғамхўрлиги ўлароқ бунёд этилди. «Оқ кема» Марказий Осиёдаги энг яхши оромгоҳлар сафидан жой олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги «2020 – 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Мўйноқ туманида жами 232 миллиард 575 миллион сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобидан 73 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 589 та янги иш ўрни яратилди.

Бир пайтлар Орол денгизи ҳажми жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринда турган ва ўзининг бой флора ва фаунаси билан машҳур бўлган. Йиллар давомида сувнинг ҳажми 14 баробар камайди ҳамда денгиз ўз соҳилидан бир неча юз километрга чекинди. Денгизнинг сувсиз қолган майдонида 6,2 миллион гектардан ортиқ қумли ва тузли чўлистон пайдо бўлди.

Энди эътиборни маълумотларга қаратсак.

Мустақиллик йилларида Оролбўйи ҳудудида жами 400 минг гектардан зиёдроқ майдонда яшил қопламалар барпо этилган экан. Ҳурматли Президентимизнинг ташаббуси билан бошланган лойиҳа доирасида 2018 йилдан бошлаб шу кунгача 1 миллион 732 минг гектарга яқин ер майдонида чўлга чидамли ўсимликлар экилди. Шу тариха мисли кўрилмаган кенг қамровли ишга асос солинди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШИМОЛИЙ ДАРВОЗАСИ – ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Халқимиз инсон шаъни, кадр-қиммати юксак тутилиб, юртимизнинг ҳар бир фуқароси муносиб турмуш шароитида яшашга эришиш борасидаги сазъ-ҳаракатлари юксак қадрлайди, айнан мустақиллик туфайли одамларнинг яхши яшаш, муносиб турмуш даражасига эришиши учун имкон берилганини чуқур ҳис қилади.

Ҳозирги кунга келиб, Қорақалпоғистон Республикасида оғир шароитда яшайётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 51 минг оиланинг уй-жой шароити яхшилانган бўлса, айрим ҳудудларда аҳолига тоза ичимлик сувини етказиб бериш қатор қийинчиликлар билан амалга оширилаётган бир пайтда Қорақалпоғистонда ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 71 фоизга етди.

Қорақалпоғистонга эътибор жуда катта. Импонияти йўқлиги туфайли ёрдамга муҳтож оилалар давлатимиз томонидан ҳимояланмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 февралдаги «Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва маҳаллар инфратузилмасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан барча овул ва қишлоқлардаги аҳоли турар жойлари хатловдан ўтказилди.

Қорақалпоғистонда 424 маҳаллада 21803 уй-жойни таъмирлаш учун 343,9 миллиард сўм ажратилмоқда. Шундан 21094 та уй-жойнинг том қисмини таъмирлаш ҳамда 709 та яшаш учун яроқсиз ва авария ҳолатига келиб қолган уй-жойларни янгидан қуриш ишлари белгиланган. Шунча инсоннинг оғири енгил бўлиб, муаммосига ечим топилоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси мамлакатимизнинг шимолий дарвозаси ҳисобланади. Ўзига хос клим шароитига эга бўлган ушбу ҳудуднинг ёзи жазирама, қиши ўта совуқ. Бугунги кунда амалга оширилаётган изчил ислохотлар, тизимли чора-тадбирлар аҳоли фаровонлигини янада ошириш, турмуш тарзини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Шу жумладан, Қорақалпоғистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти йил сайин кенгайиб бормоқда. Бугунги кунга келиб хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони 196 тани ташкил этиб, кўрсаткич 3 баробарга ошган. Ҳудудий экспортёр корхоналар сони 2023 йилда 240 тани ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 3 баробарга ортиди.

Сўнгги 6 йил ичида Қорақалпоғистон ҳудудида ишлаб чиқилган маҳсулотлар Америка, Франция, Италия, Испания, Нидерландия, Португалия, Болгария, Канада, Австралия, Миср, Бангладеш, Филиппин, Исроил, Тайван, Покистон, Таиланд, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа узок хорижий давлатларга кириб борди.

Ушбу давлатларга экспорт қилинган маҳсулот турлари 2 баробар кўпайиб, трикотаж маҳсулотлари, ип-калава, ош тузи, ипак, ун, қуритилган помидор, шиша идишлари, ярим тайёр мебель, ярим тайёр чарм маҳсулот, инфузион система, бир марталиқ инъекцион шприцлар, кир ювиш қукуни, суялтирилган ойна, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган сетка ва қорақўл териси ташқи бозорда юқори баҳоланмоқда.

Қорақалпоғистоннинг иқтисодий ривожланишида «Uz-Kor Gas Chemical» кўшма корхонаси, Кўнғирот сода заводи каби йирик экспортчилар қаторида «Нукус Мед Тек», «Ориент

Технолоджи», «Себу Артемия» «Амударётекс», «Кантекс Инвест», «Корпорация Арал Сан Бао», «Биоумус», «Ланэкстракт» ва бошқа экспортёр корхоналарни мисол сифатида келтирса бўлади.

Сўнгги олти йилда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 15 триллион сўм инвестиция ҳисобидан 5 минг 300 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилган. Тадбиркорлар сони эса икки ҳиссага кўпайиб, 46 мингдан зиёд иш ўрни яратилган. Авваллари sanoat соҳаси ривожланиши суст бўлган 6 та туманда ишлаб чиқариш 2-3 баробар ортиб, Қорақалпоғистондаги улуши 12 фоизга етган.

Юқорида таъкидланган 6 ҳудуддаги, яъни Беруний туманидаги «Беруний бугдой кластер» ва «Райхон аппарат», Қораўзақ туманидаги «Қорақалпоқ цемент» корхонасининг 3-босқичи, Кўнғирот туманидаги «ККРаси кемикал» шунингдек, Нукус шаҳридаги «Азимут хотел» корхоналарининг ишга туширилиши натижасида 1000 дан ортиқ иш ўрни яратилмоқда. Улар орқали ишлаб чиқаришга 300 миллиард сўм, экспортга 20 миллион доллар қўшилади.

Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири – минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлаш sanoatини кенгайтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, бир қатор йирик ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Sanoat корхоналари томонидан 150 дан ортиқ янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистонда етук ва олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш борасида олийгоҳлар сони 2 баробар кўпайиб, 12 тага етди.

58 МИНГДАН ОРТИҚ ТАЛАБА ТАҲСИЛ ОЛМОҚДА

Қувондиқ Қодиров, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори:

– Сўнгги йилларда олий таълим соҳасини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида республикамизда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари сони қарийб икки ярим баробарга кўпайди. Қорақалпоғистон Республикасидаги олий таълим муассасалари 12 тага етиб, уларга қабул кўрсаткичлари 3,5 марта оширилди. Пировардида, олий таълимга камров кўрсаткичлари аввалги 19 фоиздан 46 фоизга ўсди. Аини пайтда Қорақалпоғистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида 58 мингдан ортиқ талаба таҳсил олмақда.

Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида сўз борганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони алоҳида таъкидлаш жоиз.

Фармонга кўра, Қорақалпоғистон Республикасида таълим соҳасида қўшимча имкониятлар ва инсон капитали ривожини янги босқичга кўтаришга шарт-шароит яратиш йўналиши доирасида 2022 – 2023 ўқув йили учун Қорақалпоғистон Республикасида умумий ўрта, ўрта-махсус ва профессионал таълим муассасаларини тамомлаган 500 нафар, кейинги ўқув йиллари учун эса ҳар йили 1 сентябрга қадар 6 500 нафар ёшларнинг вилоятлардаги давлат олий таълим муассасаларида қўшимча қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилинишини таъминланди.

Бунда, мазкур қабул кўрсаткичлари бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларга ажратилган таълим кредитлари бўйича фоиз тўловларини Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ҳисобидан қоплаб бериш имконияти яратилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида доимий яшайдиган ҳамда умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларини тамомлаган ёшлар учун 2023 – 2024 ўқув йилида давлат гранти асосида қўшимча 3 000 та ўрин ажратилди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги давлат олий таълим муассасаларини салоҳиятли профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш мақсадида 2023 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг етакчи олий таълим муассасаларида экология, қишлоқ хўжалиги, ирригация ва қурилиш йўналишлари бўйича таянч докторантурада кадрларни мақсадли тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ҳудуддаги нодавлат таълим ташкилотлари ўқув жараёни учун жалб этилган хорижий мутахассислар (ўқитувчилар) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномаларни расмийлаштириш ва бериш (узайтириш) учун ундирилладиган тўлов, Ўзбекистон Республикасига кириш визаси олиш учун консуллик йиғимлари ва яшаш жойида рўйхатга олиш учун ундирилладиган давлат божи тўлашдан озод этилди.

Ислохотлар билимли ва салоҳиятли, жаҳон стандартларига мос кадрларни тайёрлаш, институтлар ва университетларнинг имкониятларини ҳар томонлама оширишни тақозо этади. Ҳар қандай талам инсон ва жамият манфаатига йўналтирилган бўлиши зарур.

Янги ўқув йилидан бошлаб, олийгоҳда ўқиётган хотин-қизлар учун, ким тўлашдан қатъи назар, контракт тўлови даромад солиғидан озод қилинади. Шунингдек, Қорақалпоғистонда агро-технологиялар ва муҳандислик йўналишларида етакчи хорижий олийгоҳларнинг филиаллари ҳамда Нукусда Рақамли технологиялар институти очилади.

«Умуман, биз Қорақалпоғистонда олий таълим қамровини келгуси йилнинг ўзида 50 фоизга етказамиз. Бунинг учун, чет элларда ўқиётган ёшларимизнинг ўқшини юртимиз олийгоҳларига давлат гранти асосида қўчириш амалиёти йўлга қўямиз», деб таъкидлаган эди Президентимиз.

Таълим соҳасининг асосий таянчи бўлган азиз ва мўстабар муаллим ва мураббийлар, олийгоҳ профессор-ўқитувчиларининг машаққатли меҳнати бундан буён ҳам муносиб рағбатлантириб борилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг билим олишлари учун қулай шароит яратиш мақсадида 2022 – 2023-ўқув йилида магистратура босқичида ўқиётган 2 300 дан ортиқ талаба қизларнинг шартнома тўловлари ҳам тўлаб берилди. 1 минг 951 нафар олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида таълим олаётган хотин-қизларга 17 миллиард 220 миллион сўм миқдорда шартнома тўлови учун 7 йил муддатга фоизсиз кредит ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг янги ўқув биноси қурилиш ишлари давлат дастурига киритилиб, давлат бюджетидан 75 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Аини пайтда 2 минг ўринга мўлжалланган мазкур янги ўқув биносида сўнгги пардоз ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, институтнинг тўртинчи ҳамда бешинчи ўқув биноларида реконструкция ишлари учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 14 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилиб, тўлиқ таъмирланди.

Аини пайтда институтнинг талабаларини турар жой билан таъминлаш, уларни ётоқхоналар билан қамраб олиш ишларини яхшилаш мақсадида 5 ўринда, умумий 1550 ўринли талабалар турар жойларининг қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилоқда.

Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 23 миллиард 704 миллион сўм ажратилиб, янгидан 500 ўринли ётоқхона қурилоқда. Шу билан бирга, институт бош би-

ЭЛЛАРИМ БОРДИР

узун ва саноксиз йўллар билан тутшиб кетган

носи ёнидаги 100 ўринли ҳамда Эллиққалъа педагогика факультетининг 150 ўринли талабалар турар жойлари таъмирланмоқда.

Шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида 23 миллиард 200 миллион сўмга 400 ўринли янги талабалар турар жойининг қурилиш ишлари юқори суръатда амалга оширилмоқда. Талабаларни турар жой билан таъминлашда тадбиркорлик субъектлари билан самарали ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, бунинг ёркин ифодаси сифатида тадбиркорнинг ўз балансидаги бинони қайта таъмирлаш орқали 400 ўринли ётоқхонага айлантириб, фойдаланишга топширишни режалаштираётганини таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда институтда ўрнатилган 550 кВт қувватлиликка эга қуёш панеллари бир кунда 42 014 кВт/соат, ҳар ойда ўртача 126 042 кВт/соат энергия ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлиб, йил мобайнида 1 миллион 512 минг 500 кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариб, йил охирига келиб, институтда электр энергияси сарфининг 167,2 фоиз тежаланишига имконият яратилади. Бу ўз навбатида 1 миллиард 210 миллион сўм харажатларни иқтисод қилиш имконини беради.

НУКУСЛИК ЁШЛАР ЧЕТ ДАВЛАТЛАРДА ДАСТУРЧИ

IT соҳаси бугунгидек шиддат билан ривожланаётган асрда оммалашган ва шу билан бирга сердармад соҳа ҳисобланади. Янги ихтиро ва кашфиётлар эса инсонни етуклик сари чорлайди. Ҳозирги даврда замонавий билимларни эгалламай туриб, маълум мақсадга эришиб бўлмайди. Бу борада ахборот технологияларини, дастурлаш ҳамда IT соҳаси бўйича чуқур билимга эга бўлиш, янги лойиҳа ва ишланмалар устида ишлаш, уларни юрт фаровонлиги йўлида ва мамлакат ривожланиши учун татбиқ этиш жуда муҳимдир.

Ўз соҳаси бўйича хориждаги нуфузли ташиқотларда ишлаётган ҳамюртларимизнинг тажрибаси ва фаолияти биз учун жуда муҳим. Ана шундай ёшлардан бири нукуслик Бекназар Абдикамалов ҳозирги пайтда АҚШдаги Амазон компаниясида дастурчи-муҳандис бўлиб ишлаб келмоқда.

Бекназар Абдикамалов 1993 йили Нукус шаҳрида туғилган. Тошкент ахборот технологиялари университетига ўқишининг биринчи семестрини тугатиб, 18 ёшида Жанубий Кореяга ўқишга кетади.

– **Мақтабимиз биринчи марта интернетга уланганида мен умуман шокка тушганман.** Унинг тезлиги, бир маълумотни дунёнинг нариги бурчагига катта тезликда етиб бориши жуда ҳайрон қолдирган. 6-7-синфдагида аниқ дастурчи бўлишимни билардим. Шунинг учун ўзимга менторларни топиб, улар билан электрон почта орқали гаплашардим, – дейди Бекназар Абдикамалов. – Менинг биринчи менторларим Атабек Муртазаев (Австралиядаги нукуслик дастурчи), Азиз Муртазаев (Facebook собиқ дастурчиси) ва Саламат Авезов (Полиглот дастурчи) лар эди. Улар менга кўп вақт ажрата олмасди. Лекин, оддийгина почта орқали улардан кўпроқ маълумот олишга ҳаракат қилардим. Дадамнинг иш компютери бор, аммо интернетга йўқ эди. Компьютер устaxonияда бериб ишлардим. Эвазига эса бир соат интернетдан фойдаланишга рuxсат олардим. Шу вақт ичида менторларим билан мулоқот қилиб, керакли дарсларни флешкамга юклардим. Уйга бориб видеоларни қайта-қайта кўрганман. Шу тарихда дастурлашни ўргандим. **Менинг фикримча, ресурсларнинг чекланганлиги унчалик ёмон ҳолатмас. Озгина имкониятдан ҳам максимал даражада фойдалана бўлади.**

Таъкидлаш керак, дунё мамлакатлари тажрибасида илмий-тадиқотлар, IT технологиялар, стартап гоғлар, компьютер саводхонлигига жуда катта эътибор берилмоқда. Қорақалпоғистонлик дастурчи йигит Бекназар Абдикамалов ҳам ўз юртидан узоқ масофада ўз касбининг етук мутахассиси сифатида қадрланади.

– Лицейда ўқиб юрганамда хорижда ўқийман деган яқини қарорга келдим. Тошкент ахборот технологиялари университети билан бирга Жанубий Кореядаги олийгоҳга ҳам ҳужжат топширдим. Лекин, бунга уйдагиларга айтмадим. Ичинда Кореядан жавоб кутардим. У ердан ҳам ижобий жавоб келди. Унда ҳам уйдагиларга айтмадим. Виза билет ва бошқа ҳужжатларни тўғрилаганимдан кейингина уларга айтдим, – дейди Бекназар Абдикамалов.

Бекназар ўз орзусига етди. Ўз меҳнати, ўзининг қатъиятлиги тўғрисида бутун дунёга машҳур компанияда фаолият юритмоқда. Инсон олдига нима мақсад қилса ва ҳаракат қилса, албат-

та унга эришади. Етук мутахассис ҳисобланган қорақалпоғистонлик Бекназар Абдикамалов ва Азиз Муртазаевлар Жанубий Кореялик ҳамкори Жастин Ким билан ҳамкорликда Ами рухий саломатлик бўйича стартап лойиҳасини ишга тушириш учун Meta (Facebook) грантини қўлга киритди. Инвестициялар ҳажми эса 3 миллион долларни ташкил этади.

Қайд этилишича, лойиҳа рухий саломатлик хизматини янада қулайроқ қилиш учун онлайн маслаҳат сеансларини ўз ичига олади. Бу Осиё мамлакатларидаги бизнес эгаларига ўз ходимларининг рухий саломатлигини яхшилаш имконини беради.

Стартап асосчилари таъкидлашича, бундай платформани яратиш гоёси пандемиядан кейин пайдо бўлган. Негаки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташиқотининг 2022 йил март ойидаги ҳисоботида кўра, пандемиядан сўнг бутун дунё бўйлаб депрессия, тушкунлик даражаси 25 фоизга ошган экан.

Осиёнинг улкан стартап марказлари Сингапур ва Жакартадан ташқари, Ами стартапини бутун Осиё бўйлаб кенгайтириш, бу орқали компанияларга рухий саломатлик платформаси ёрдамида юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш имкониятини яратиш режалаштирилган. Лойиҳа асосчилари жамиятда рухий саломатлик аҳамияти ҳақидаги билимларни оширишни ўзлари учун олий мақсад, деб билишади.

ҚОРАҚАЛПОҚ ҚОВУНЛАРИНИНГ МАЗАСИ ОҒЗИНГИЗДА ҚОЛАДИ

Болалик пайтимизда бобомиз эккан қовунларни еб, қўлларимиз ширадан ёпишиб қолишни ҳалигача яхши эслаймиз. У қовунларнинг мазаси оғзимизда қолган.

Ота-боболаримиз аввал замондан қовунчиликни селекция қилиб боришган. Сабаби, биз яшаб келаётган она заминда қовун экиш учун қулай шароит бўлган. Вақтида Амударё сувлари лойқаланиб оқарди. Лойқа сувнинг таркибида эса айнан қовун етиштириш учун зарур элементлар бор. Ана шу элементлар қовуннинг ширали, мазали ва жуда хушбўй бўлишида асос яратган. Қовунларни кетма-кетликда экиш учун мавсумий навларни бўлган. Масалан, энг дастлаб замча пишган. Бу энди адабий тилда “ҳандалак” деб номланади.

Бундан ташқари, бизда “Карнак” навли қовун бор. Ҳажми ҳандалакдек бўлади. У ҳам мазали. “Тарлама” деб номланган қовунимиз бор. Кесган пайтингда тариллаб кетиши учун унинг номини “Тарлама” деб аташган. Мағизи қаттиқроқ, Гичрлатиб ейилган. Яна бир ажойиб қовун – “Жийда япроқ” қовуни. Унинг тури жийданинг япроғига ўхшаган. Бу ҳам жуда ширали қовун. Қишда сақланадиган қовунлардан “Бишак” бор. “Бишак” дегани шаксиз, мазасига шак-шубҳа йўқ дегани. Бу қовун жаҳон кўргазмаларига олиб чиқилган дунёга машҳур қовуннинг бири.

Қиш ойларида ейдиган, кеч пишадиган “Тириш” навли қовун бор. Уни қишда ейишади. Тўри тиришиб қолганлиги учун ҳам “Тириш” деб номлаган. Бу сувни кам талаб қилади. Шунингдек, “Олаҳамма”, “Гулаби”, “Андирхон” нави қовунлар ҳам бор.

Беруний туманидаги “Шаббоз” маҳалласи азалдан ўзининг қовунлари билан машҳур. Шу боис кўпчилик “Шаббоз”ни яхши билишади. “Минг эшитгандан бир кўрган афзал” деганларидек, қорақалпоқнинг қовунларини бир еб кўрган киши, яна қайтиб келиши аниқ. Самарқанднинг нони ширин бўлса, қорақалпоқнинг қовуни мазали. **Шукр, кейинги йилларда Қорақалпоғистонда қовун етиштириш қайта жонланди.**

ҚОРАҚАЛПОҚНИНГ АЛПОМИШ ВА БАРЧИНОЙЛАРИ

Қорақалпоғистонда ширали қовун, жуғари куртук, беш бармоқ еб камолга келган ёш авлод бақувват, жисмонан кучли бўлишади. Бунга биз спортчиларимизнинг ютуқларидан ҳам кўришимиз мумкин. Бунга мисол, спортчиларимиз жаҳон чемпионатларида 39 та, Осиё чемпионатларида эса 91 та ва Ўзбекистон чемпионатида 1235 та медални қўлга киритди.

Шерзод Мамутов 2023 йил 20-22-январь кунлари Перу мамлақати Лима шаҳрида қиличбозлик бўйича ўтказилган жаҳон кубогида биринчи, Тошкент шаҳрида 14-16-апрель кунлари ўтказилган бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубогида Шахзода Ибрагимова иккинчи, Тунис шаҳрида қиличбозлик бўйича жаҳон кубоги мусобақасида Ислам Абдзев жамоавий

биринчи, 3-5 февраль кунлари Болгарияда ўтказилган жаҳон кубогида жамоавий биринчи ўринни эгаллашган. Жорий йил Грузия давлатида қиличбозлик бўйича жаҳон кубогида Дильноза Уснатдинова учинчи ўрин, Болгария давлатида ўтказилган жаҳон чемпионатида Наргиза Жақсыбаева учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Бундай натижалар жуда кўп, умидли спортчилар рўйхати узун.

Қорақалпоғистонда келажак авлод учун зарур шароитлар яратиш бўйича ютуқлар катта, режа ва вазифалар аниқ. Кейинги йилларда боғчалар камрови 28 фоиздан 81 фоизга, уларнинг сони эса 317 тадан 1 минг 600 тага кўпайди.

172 та мактаб мукамал таъмирланиб, 104 та мактабда қўшимча бинолар барпо этилгани ҳисобига 118 мингта янги ўқувчи ўрни яратилди.

Яқин келажакда Қорақалпоғистонда 160 та янги боғча қурилиб, таъмирланади, 2 мингта хусусий боғча ташкил қилинади. Келгуси етти йилда қўшимча 100 минг янги ўқувчи ўрни яратилади. Бунда 30 та янги мактаб ва 150 та мактаб учун қўшимча бино қурилиб, 350 таси таъмирланади.

Ихтисослашган мактаблар сони 2 қарра оширилиб, 32 тага етказилади. Натижада Қорақалпоғистондаги мактабларда 30-35 нафардан ортиқ бола ўқийдиган синфлар умуман бўлмайди.

Бугунги кунда барча шаҳар ва туманларда жами 21 мингдан ортиқ уй-жойларда 350 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётган бўлса, шунингдек, 452 маҳалланинг ҳар бирига бевосита 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратилмоқда.

Шунингдек, кадастри йўқ 47 мингта турар жой ва кўчмас мулклар бўйича тегишли ҳужжатлар ишлаб берилди. Шу билан бирга, жорий йил 4 мингта турар жой қурилиб, 4 мингта шахсий тартибдаги турар жой қуришга 4 сотихдан ер участкалари ажратиб берилди.

“БЕЛТАЎ”ДА ЯНГИ ҲАЁТ БОШЛАНГАН

Қорақалпоғистоннинг энг чекка ҳудудларининг бири Тахтақўпир тумани Нукус шаҳридан 100 км дан ортиқ масофада жойлашган. Туман драйвери чорвачилик ва деҳқончиликка ихтисослашган. Бугун ушбу ҳудудда бир қатор ижтимоий объектлар қад ростлаган. Биз Мўйноқдан бошланган йўлимизни Қозоғистон билан чегарадош ҳудудда тўхтатмоқчимиз.

Бугун овулда янги ҳаёт бошланди. Энг долзарб муаммо бўлган сув етиб келди. Туман марказидан 40 километр узоқда жойлашган ҳудуддаги қурилиш ва ободонлаштириш, томорқа ерларда деҳқончилик ишлари қизғин паллага кирган. Экин майдонларини ўзлаштириш ва аҳоли бандлиги таъминлаш борасидаги ижобий ишларни кўриш мумкин. Неча йиллардан буён қаровсиз қолиб кетган овулнинг бугунги қиёфасини кўриб кўзинг қувонади.

Давлатимиз раҳбари топшириғига биноан Тахтақўпир тумани «Белтаў» овул фуқаролар йиғинида юқори технологияли ирригация тизими бунёд этилди. Оролбўйи ҳудудда қишлоқ хўжалиги лойиҳаси учун мутахассислар, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги техникалари жалб қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгашининг 2022 йил 23 ноябрдаги баёнига асосан «Белтаў» овул фуқаролар йиғини ҳудуддаги кам таъминланган, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, ҳудуд аҳолисининг яшаш шароитини янада яхшилаш, томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлашга кўмаклашиш, ҳудудда чорва ҳамда деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида ер ости артезиан қудуқларни қуриш ишлари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазириликнинг махсус муҳандислик қурилиш бошқармаси томонидан беғараз амалга оширилди.

Ҳақиқатан ҳам, «Белтаў» овул фуқаролар йиғинида ҳаёт яхши томонга ўзгарганлиги боис, аҳоли бугунги кунидан жуда мамнун. Маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли ҳунармандчилик, касаначилик, томорқадан самарали фойдаланиш натижасида ривожланишга юз бурган. Ҳудуддаги мана шундай ўзгариш ва янгиликлардан завқланган овул аҳолиси инсон қадрли улугланаётганидан жуда бахтиёр. Тахтақўпирнинг барча ҳудудда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари давом этмоқда.

Шундай экан, инсонларнинг бугунги ҳаётдан розилигини таъминлаш йўлидаги эзгу ишлар давом этаверади.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 32 йиллигига ЯНГИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТОНГИ

Қоратоғнинг ортидан шафақ,
Кўтарилар элга уриб бонг.
Олтин рангли кенгликлар аро,
Ёйилади бир нурафшон тонг.

Осмон тўлиб келади нурга,
Гўё кўқдан ёғилар ёғду.
Наинки ҳар кўча, ҳар йўлак,
Ҳар кўнгилга нур улашар у.

Ҳар дарахтни эркалар само,
Ҳар майсани эркалатар ел.
Шу фарахбахш тонг оғушида,
Умид билан ўйғонади эл...

...Бу тонг шундай фарахбахш тонги,
Эзгуликка кўз очар очун.
Шунча бахтни бериб турганда,
Унга ҳамдлар айтмайлик нечун.

Ана қалам тутиб болақай,
Таассуротлар ичида кезар.
Обод бўлган маҳалласининг,
Мақтабининг суратин чизар.

Энди маҳзун хотираларнинг
Вараклари сарғайиб борар.
Янги замон мактабларида
Ибройимлар улғайиб борар.

Бўлса ақлу-идрок, истеъдод,
Бўлса дилинг поэтика, баёз.
Қай эшикни очсанг, имконият,
Қай эшикни очсанг, имтиёз.

Ифтихор бу – Мўйноқни бугун
Маданиятга бешик билмишлар.
“Ойдинлар”ни, “Дембермес”ларни,
Дунё айтар кўшиқ билмишлар.

Бир пайитлар “қора уй” деса
Пана топган чўпону-чўлиғ.
Энди унда дунё меҳмондир,
Энди у ҳам келтирар доруғ.

Чайқалади саксовулзорлар
Улар чўлнинг тилин билажак.
Ишонурмиз бир куни бунда,
Лолазорлар яратилажак.

Чиндир, элда ўтди кўп синов,
Айта олман ўқингани йўқ.
Лейт, чекинса денгиз чекинди
Юртдан меҳр чекингани йўқ.

Томиримиз кетди бирлашиб,
Ва бирлашди томирда илик.
Шу бирликда яратдик бир сўз
Дедик уни – оғзбирчилик.

Тарқамда бунда машварат,
Ҳамма фикр бир ёққа турди.
Қорақалпоқнинг равнақи учун,
Ўзбекистон оёққа турди.

...Қоратоғнинг ортидан шафақ,
Кўтарилар элга уриб бонг.
Олтин рангли кенгликлар аро,
Ёйилади бир нурафшон тонг.

Бу бир тонги, она Ватанга,
Очилади бағри осмоннинг
Очилади бағри осмоннинг
Янги Қорақалпоғистоннинг!

**Назира МАТЯҚУБОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси.
Қорақалпоғистон.**



INSON, ISLOHOT

БАЙРАМ АРАФАСИДАГИ

ОДАМЗОТ ҲАМИША НИМАГАДИР ИНТИЛИБ, ОРЗУЛАРИ ОРТИДАН ҚУВИБ ЯШАЙДИ. ИНСОН БОРКИ, ҲАР ТОНГ БИРОР РЕЖА ВА МАҚСАД БИЛАН УЙҒОНАДИ, ҲАР ДОИМ ЭРИШГАНЛАРИ ВА УЛГУРМАГАНЛАРИ ҲАҚИДА УЙЛАЙДИ. БУ ТУЙҒУ ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИДИР. ОРЗУНИЯТСИЗ ҲАЁТНИНГ МАЪНО-МАЗМУНИ ОЗАЙИБ КЕТАДИ.

32 йил олдин истиқлол остонасига қадам босган Ўзбекистон бугун анча дадил, жаҳон саҳнида ўз сўзи ва ўрнига эга бўлиб

БОРАЁТГАН ДАВЛАТЛАР ҚАТОРИГА КИРА ОЛДИ. УЛКАН МАҚСАДЛАР САРИ ҚЎЙЛАЁТГАН ДАДИЛ ҚАДАМЛАР, ОҚИЛОНА СИЁСАТ ВА АЛБАТТА, ХАЛҚИМИЗДАГИ ИНТИЛУВЧАНЛИК БАРЧА ЮТУҚ ВА НАТИЖАЛАРНИНГ МАНБАИДИР.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА ЮРТДОШЛАРИМИЗ, ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФАОЛЛАРИ Кўнглидан нималар ўтмоқда?..

ТРАГЕДИЯ, КОМЕДИЯ, ГАРМОНИЯ



Шавкат АЮПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши аъзоси:

— Бир неча кун аввал Хитойдан илмий сафардан қайтиб келдим. Мазкур мамлакатда юртимиз олимлари билан ҳамкорлик қилиш кўламини кенгайтириб бормоқда. Бу октябрь ойи бошида Тошкентда Марказий Осиё математик олимлари иштирокида ўтказилган форум олдидан учрашув бўлди. Шу кунларда мазкур нуфузли анжуманга тайёргарлик ишлари билан бандман.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг бир қатор қарор ва фармонлари асосида математика фанини ривожлантириш йўлида шогирдларим билан изланишлар олиб бораёмиз. Чунки ким ўз соҳасида яхши натижаларга эришмоқчи бўлса, ушбу фанни яхши билиши лозим. Математика шунчаки ҳисоб-китобни эмас, мантиқий фикрлашни ўргатади. Яъни, ҳар бир тасдиқни исботи билан беришни талаб қилади.

Сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигида Самарқанда халқаро конференция бўлиб ўтади. Фанлар академиясининг 80 йиллиги нишонланади. Ана шу тадбирларга ҳамда байрамга тайёргарлик қўриш лозим. Қисқа қилиб айтганда, қўл-қўлга тегайдиган вақт.

Бу ишлардан кўзланган мақсад эса таълим сифатини оширишдан иборат. Сон бўйича анча ютуққа эришдик. Нодавлат ОТМлар очилди, авваллари 8-9 фоиз бўлса, ҳозирда 38 фоизгача битирувчилар талаба бўлиш имкониятига эга бўлмоқда. Лекин сифат ҳақида ҳам унутмаслик лозим. Бугунги кундаги асосий масала шунда. Соннинг кетидан қувиб, сифатни унутиб қўйиш ярамайди.

Мақсадимиз – ёшларга сифатли таълим бериш, олимлар тарбиялаш. 40 дан ортик фан номзодлари, 15 нафар фан доктори тайёрлаганман. Математикада имкон борича сифатни ушлаб туришга ҳаракат қилаёмиз. Олий аттестация комиссияси аъзоси сифатида ишонч билан

айта оламан, ҳамма соҳада ҳам сифат яхши, деб бўлмайди. Шу сабабли сифатни кўтариш керак.

Шуни айтиш керакки, математика билан шугулланиш учун аввало туғма истеъдод ва албатта яхши устоз керак бўлади. Болаларни қизиқтира олиш учун лаборатория, махсус хона ёки бошқа нарса керак эмас. Фақат қоғоз, қалам кифоя. Математик масалаларни йўл-йўлак, бирор иш билан банд бўлганда ҳам, ҳатто ухлаётганда ҳам ечиш мумкин. Тафаккур кенглигига боғлиқ.

Филдс мукофоти математика оламидаги энг нуфузли соҳрин саналади. 4 йилда бир марта 2-3 нафар энг кучли олимлар ушбу унвонга сазовор бўлади. Аммо у 40 ёшгача бўлган шахсларга берилади. Сабаби математикада асосий ихтиролар ностандарт фикрлай олгани боис кўпроқ ёшлиқда бўлади. Катта ёшда эса тажриба бўлади. Яхши масала кўяди, тўғри йўналиш беради. Ёшлигимда олган натижаларимга хурсанд бўлсам, ҳозирда шогирдларимнинг ютуқларидан кўпроқ қувонаман.

Устозим академик Саримсоқов бўлган. У киши агар бир жамоада ҳаммаси ёши катталар, қариялар бўлса, бу – трагедия, ҳаммаси ёшлар бўлса, бу – комедия, агар ҳамма ёшдаги авлодлар бўлса, унда бу – гармония бўлади, деган эди. Шунинг учун яхши илмий жамоада турли ёш вакиллари жамланиши юқори натижага хизмат қилади.

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ



Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Сенати Фан, таълим
ва соғлиқни сақлаш масалалари
қўмитаси раиси, Ўзбекистон ХДП
аъзоси:

— Дунёдаги энг қадрли нарса тинчлик бўлса, инсон учун саломатлик ҳаммасидан муҳимдир. Зеро, хаста одамнинг кўнглига на бир ўзгариш, на бир янгилик ва на бир сўз сиғади.

Кейинги йилларда халқимиз саломатлигини асраш, тиббий хизматлар сифатини ошириш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Мустақиллик байрами арафасида бу соҳадаги ютуқлар ҳақида гапирмаслик нотўғри бўлса керак.

Жамиятдаги соғлиқни сақлаш давлатнинг зиммасидаги энг масъулиятли ва мураккаб масала саналади. Бунинг энг муҳим қисми бирламчи тиббий ёрдам ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, бугун оилавий поликлиникалар даражаларга ажратилди.

Хусусан, кўп тармоқли оилавий поликлиникалар боланинг дунёга келишидан тўғри, энг кекса ёшдаги инсонларни ҳам скринингдан ўтказиш ускуналари билан таъминланди. Замонавий тиббий жиҳозлар ёрдамида ногиронлиги бўлган шахсларни текширувдан ўтказиш, сурункали касалликларни назоратга олиш, онкологик хасталикларни эрта аниқлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хуллас, ҳар бир йўналишда аҳолига хизмат кўрсатилмоқда. Тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш масалалари ҳам одамларга ўргатиб, тушунтириб борилмоқда.

Ҳар битта қишлоқда ОП ва ҚВПлар ташкил қилинди. Уларда ҳудуд аҳолисига бир қадам тамойили асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Яъни, кимнинг қон босими кўтарилди, яна биров иситмалаши ёки кутилмаган жароҳат олиши мумкин. Ана шундай шахсларга тез ёрдам кўрсатилади.

Яна бир муҳим масала, бирламчи тиббий тизим рақамлаштирилди. Айнан ушбу тамойилни амалга ошириш учун бир қатор қонунларга ўзгартиришлар киритилди. Рақамли рецепт, рақамли тиббий ўлик каби хизматлар ёрдамида соатлаб навбат куттишлар, пул ва маблағ сарфлаш камайди. Энди фуқаролар уйда ўтирган ҳолда навбатга туриши, керакли маълумотнома ва бошқа ҳужжатларни олиши мумкин. Тўғри, бу айтаётганларимиз ривожланган мамлакатларда аллақачон илғорлаб кетган. Аммо юртимиздаги бу ўзгаришлар қисқа муддатда амалиётга кўчди. Муҳими, бунинг натижасида иш суръати ва самардорлиги ошди.

Албатта, бу борада ҳаммаси зўр, ҳамчилиқсимиз, деб айта олмаёмиз. Ҳали нуқсонлар, қилиниши зарур бўлган ишлар бор. Асосийси, белгиланган чора-тадбирлар бўйича ишлар давом этмоқда.

Олдимизда турган муҳим масалалардан бири бу соғлиқни сақлаш кодексини қабул қилишдан иборат. Айни пайтда халқ муҳофазасига қўйилган мазкур ҳужжатда одамларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи барча масалалар қамраб олинган. Ўнлаб қонунлардан ҳуқуқларга оид меъёрларни қидиришдан кўра, ҳаммасининг бир кодексда жамланиши ва халқчил, янгиланган кўринишда экани одамларга қулай ҳамда маъқул бўлади, деб ўйлайман. Муҳим жиҳати, унда соғлом турмуш тарзига амал қилиш шартлари алоҳида кўрсатилган. Сабаби, соғлиқни сақлаш тизимида миллиардлаб пул сарфлангани билан инсоннинг ўзи саломатлигини асрашга қўнғ қилмаса, ҳаммаси беҳуда кетиши мумкинлиги ҳаётий ҳақиқатдир.

Ўйлаймики, одамларнинг ўзлари ҳам соғлом бўлишга интилади. Доимий тиббий кўриқдан ўтиб туришининг аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, масалага ёндашади. Чунки қарс икки қўлдан чиқади. Ўз навбатида, тиббиёт ходимлари ҳам, уларга шартин қилиб бериши керак бўлган масъуллар ҳам фақатгина қоғоз қоралаш учун эмас, виждонан ўз ишини амалга оширади. Ана шунда жамият соғлом бўлади ва байрамлар янада ярашади.



АЁЛ БАХТЛИ БЎЛСА...



Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Хотин-қизлар ва гендер
тенглик масалалари
қўмитаси раиси,
Ўзбекистон ХДП аъзоси:

— Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг барчасида инсон қадр ва халқ манфаатлари ҳамма нарсдан устун бўлиши аниқ кўрсатиб берилганини кўриш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари, инсон қадр усту-

вор бўлган давлатда, албатта, хотин-қизлар қадр, оналар қадр ва юксак бўлади. Аёл қадр, инсон қадр улугланган юртда эса, тинчлик ва фаровонлик, аҳиллик ва баракка, албатта, барқарор бўлади.

Муҳими, бугун жамиятимизда аёлларни эшитиш, муаммо ва тақлифлари билан қизиқиш, қолаверса, уларнинг бошқарувдаги салоҳиятидан унумли фойдаланиш, аёллар тадбиркорлигига кенг йўл очишга амалий эътибор кенгайтири.

Ўзбекистон гендер сиёсати бўйича ҳуқуқий базага эга энг ёш давлатлардан бўлишига қарамастан, бугунги кунга қадар 42 та мезъорий ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Хусусан, иккита муҳим қонун – «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида» ва «Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида» қонунлар қабул қилинди.

2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 69-мақсади Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган.

2022 - 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш

бўйича Миллий дастур тасдиқланди.

Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳолатларда хотин-қизлар ҳамда эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш мақсадида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди.

Қабул қилинаётган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мажбурий гендер-ҳуқуқий экспертизасидан ўтказиш жорий этилди.

Бир сўз билан айтганда, эндиликда мамлакатимиз аёллари учун яшаш, меҳнат қилиш, оила ва жамиятда муносиб ўрин, кадр топишнинг янги даври бошланди. Чунки аёлларнинг тақдири, бугунги ва келажак учун бунчалик шариоит ва имтиёзлар мамлакатимиз тарихида ҳали бўлмаган.

Аёл бахтли бўлса, жамият ҳам бахтли бўлади! Бу эзгу тамойил юртимиз ҳаётининг муҳим қоидага айланиб бораётганига барчамиз гувоҳимиз. Жамиятнинг қайси жабҳасида меҳнат қилмайлик, барчамизга бирдай куч ва шижоат, эзгу саъй-ҳаракатларимизга қанот ва рағбат бераётган ислохотлардан бошимиз осмонда. Ишонч ва эътиборга муносиблик эса ҳар биримизнинг бош мақсадимиз бўлмоғи зарур, албатта. Бугун опа-сингилларимиз қалбида жўш ураётган шу-кроналик ҳисси амалий фаолиятимизга кўчиб, ҳар бир соҳада ютуқлар сари руҳлантирмоқда.

ЎЙЛАР

ПАРТИЯ ҲАЁТ ЙЎЛИМГА АЙЛАНДИ



Ўрол ҲУРОЗБОВЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:

— Одам бирон партиёга нима учун аъзо бўлади? Бефарқ бўлмаган киши ўз мақсадларига ҳамоҳанг йўналишда

фаолият олиб боришни, қандайдир янгилик қилишни, албатта, хоҳлайди. Мен ҳам одамларга нафим тегиши, уларнинг мушкуллари осон қилишга ҳисса қўшиш имкониятини кенгайтириш учун партиёга аъзо бўлганман. Табиийки, бу мени сиёсий соҳага яқинлаштирди. Талабалик давримдаги ниятлар партиё билан бирга секин-аста ҳаётга кўчди.

Маҳаллий Кенгаш, парламентнинг куйи палатаси депутати бўлиш ҳам насиб этди. Аввалига оҳанрабодек кўринган бу ўрин қандай масъулият ва мажбурият юклаганини вазирамга киришган пайтдаёқ тушуниб етдим. Чунки депутатлик аслида мансаб эмас, бурч саналади. Буни англамаган инсон эса қаттиқ адашади.

Бугун одамлар билан юзма-юз мулоқот қилар эканман, истиқлол билан бирга уларнинг хоҳиш-истаклари ҳам юксалиб бораётганига гувоҳ бўламан. Халқимизга хос сабр, ирода ва ҳалол меҳнат тушунчалари қийинчиликларни енгишга куч бераётгани айтиш мумкин.

Аслида инсон бу дунёга бахтли

яшаш, ўзидан яхши ном қолдириш учун келади. Умри оғир меҳнатда ўтаётган бўлишига қарамай, яхши шароитга эга бўлолмай келаётганлар йўқ эмас, афсуски. Биз ана шундай одамлар билан ҳам ишлаб, уларнинг муаммоларига ечим топишга кўмаклашишга ҳаракат қилаймиз.

Мисол учун, **Шароф Рашидов туманининг чекка “Маданият”, “Халқобод” ҳамда “Тараққиёт” маҳаллалари аҳолисига тоза ичимлик суви етиб бормаган экан. Ўтган йили ўрганишлар олиб бориб, тегишли тартибда сўров юборилган, ўрта маҳаллага сув келди. Ана шундай вазиятларда ўзимни қушдек енгил ҳис қиламан ва ёшариб кетгандек бўламан.**

Кишининг касби унинг ҳаёти мазмунига айланади қоларкан. Мен ҳам ана шундай кайфиятда яшайман. **Одамлар орасида бўлиш, турли тақдир ва шароит эгаларини кўриш ва уларга бироз бўлса-да нафим тегаётганини ҳис қилиб яшаш мен учун фароғат саналади. Бу имкониятни берган Халқ демократик партиясидан миннатдорман. Зеро, таловимиз тақдиримизга айланар экан.**



Олим РАВШАНОВ,
Ўзбекистон ХДП
Қашқадарё вилоят
кенгаши раиси:

— Инсон ҳаётида қутилмаган воқеа-ходисалар кўп кузатилади. Рост, партиё тизимида фаолият бошлашим тасодифан бўлган. 1995 йилда Қарши давлат университетида ўқитувчи бўлиб ишлардим. Илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш мақсадида 2 йиллик стажировкага чиқдим. Илмий ишимга тааллуқли материалларни тўплаш билан шуғулланиб юрган кезларимда, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашида масъул лавозимда ишловчи танишимиз билан учрашиб қолдик. Анча суҳбатдан сўнг, у киши нималар билан банд эканимга қизиқди. Илмий стажировка чиқганимни, университетга ойда бир-икки бориб, илмий раҳбарим билан учрашиб, изланишларим ҳақида ҳисобот бериб туришимни, дарслардан озод этилганимни, хуллас энди вақтим бемалол эканини айтдим. Шунда “Бизда иш бор, вақтингиз бемалол бўлса, ишлаб турсангиз, ҳар на кўшимча даромад бўларди, деди”. “Нима билан шуғулланаман”, дедим. У киши “Ёзув-чизув”, деди лўнда қилиб. “Айнан биз боб иш экан”, дедим қулиб.

Эртаси кун вилоят кенгашида учрашишга келишдик. Бордим. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби (ўша пайтларда биринчи котиб, дейиларди), Олий Мажлис депутати Фармон Омоновнинг суҳбатига олиб киришди. У кишининг иш кабинетлари ҳозирги вилоят ҳокимлигининг 4-қаватида бўлиб турган экан. Қисқа мулоқотдан кейин у киши тегишли масъулларни чақириб, “Йигитчага шу қаватдан хона ажратинглар, бугундан иш бошлайди”, дедилар... Мана шунга ҳам 28 йил бўлибди. Тақдир тақазосини қарангки, устозим Фармон Омонов вазифадан кейин у кишининг ишларини давом эттириш ҳам насиб этди.

Аслида талабали йилларимда ҳам сиёсатга қизиқишим бўлган. Факультетда жамоат ишларида анча фаол эдим. Партиё тизимида ишга киришим фаолиятимни тубдан ўзгартириб юборди. Тақдирим сиёсат билан узвий боғланиб қолди. Устозим, вилоят кенгаши иккинчи котиби Рафиқ Ражабовнинг ташаббуси билан вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида газета ташкил қилдик. Бош муҳаррир сифатида газетанинг оммабоп ва ўқишга бўлишида кўп сарф-ҳаракат қилдим. Газетамиз вилоятда энг кўп нусхада нашр этиларди. 2003 йилда вилоят партиё кенгашининг биринчи котиби лавозимига сайландим. Партиё мавқеини кўтариш, унинг сафарини янада кенгайтириш борасида бор билим ва имкониятларимни сафарбар этдим. Албатта, университет билан ҳам доимий алоқада эдим. 2007 йилда Тошкентга ишга, партиё Марказий Кенгаши раиси ўринбосари лавозимига ўтганимдан сўнг университетдан кетганман. Қувончли кунлар кўп бўлган.

Халқимизнинг эътибори ва эътирофи сабаб, бир неча бор вилоят Кенгаши депутати, деган улуғ мақомга сазавор бўлдим. Баъзида хайрихоҳлар “Партиё тизимида кўп ишлаб юбордингиз-да”, дейишади. Тўғри, кўп ишладим. Раҳбарият томонидан масъул лавозимлар тақдир этилганда ҳам негадир, шу ишда қолишни афзал билганман. Қолаверса, отажоним билан маслаҳат қилганимда, “Ўзингизнинг ишингиз маъқул”, дердилар. Армонларга келсак, кичик бир армон бор. У ҳам бўлса, баъзан талабаларга сабоқ берган даврларни кумсаб қолсан киши...

Қашқадарё она диёримизнинг жанубидаги муаззам вилоят. Унинг бағри одамларнинг феъл-аъло кенг, замини саховатли. Қадимдан деҳқончилик, чорвачилик макони бўлиб келган маъво. Бойлик устида барпо бўлган табаррук ҳудуд. Қазилма конлари элга ризку рўз, ривож ва равнақ манбаи. Вилоятнинг маркази Қаршидан тўрт тарафга йўл олсангиз, оламшумул ўзгаришларни кўриб, дилингиз хушнуд бўлади. Қишлоқ ва шаҳарларимизнинг тафовути қисқариб бораёпти. Одамларимизнинг эртанги кунга ишончи янада ортан, нурафшон келажакдан умиди катта қашқадарёликлар ҳаёт тарзини яхшилашга, бунёд этишга, барпо қилишга, қуришга астойдил бел боғлаган. Қишлоқларда вужудга келётган дангиллама уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, ишлаб чиқариш корхоналари, спорт-соғломлаштириш бинолари ижтимоий ҳаёт даражасини намойиш этувчи омилардир.

Бугунги истиқлол ютуқлари ва порлоқ келажак тўғрисида ўйлар эканмиз, мустабиллик тузуми бошимизга солган азоб-ўқубатларни унуттишга сира-сира ҳақимиз йўқ. Тарих лоқайдларни, бефарқларни асло кечирмайди. Соҳибқирон Амир Темур бобимиз асос солган қудратли туркий давлатимиз кейинги асрлардаги ўзбўларчилик, лоқайдлик, бошбошдоқлик оқибатида таназзулга юз тутганлиги бизга абадий сабоқ бўлиши керак. Афсуски, бундай изтиробли, аянчли ҳолларга мисоллар кўп. Тарихни ўқимаслик, тегишли хулосалар чиқармаслик ҳар доим ёмон оқибатларга олиб келган.

Муҳтарам Президентимиз шу боисдан халқимизнинг шонли тарихини билиш, ўрганиш борасида кўп фикрлар билдириб келадилар. Бугунги ёшлар ўз тарихларини билишлари, мустақилликнинг нақадар улуғ неъмат эканини қалбларига муҳрлаб олишлари ҳам қарз, ҳам фарздор. Имконият бор экан, барчага ушбу сўзларни такрорладан чарчамайман.

Қўш саҳифани Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.

ТАҚДИРИМДАН МИННАТДОРМАН



Мавжуда ҲАСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:

— Ўз фаолиятимни мактабда ўқитувчиликдан бошладим ва мактаб директори лавозимига чўқираман. 19 йил қишлоқ мактабда, 6 йил ижро ҳокимиятида, сиёсий партиё вилоят кенгаши раиси сифатида уч йилга яқин ва ниҳоят Қонунчилик палатасида тўрт йилдан буён халқ вакили сифатида ишлаб келмоқдаман.

Инсон ўз ишидан қониқиб ҳосил қилса, у изланишдан тўхтайдими, деб ўйлайман. Ҳеч қачон ўзимдан, ишимдан қониқмаганман. Ҳар доим нимадир етишмагандек, ҳар бир ишимиз охирига етмагандек туюлади. Айниқса, Қонунчилик палатасидаги меҳнат фаолиятим ҳаётимда туб бурилиш

ясади. Бу катта давра ва салоҳиятли инсонлар билан бир сафда бўлиш, ўйлайманки, ҳар бир депутатни руҳлантиради, шу жумладан, мени ҳам. Ўз устимизда тинимсиз ишлаш ҳамда ҳар бир жараёнда фаол бўлишга ҳам ундайди.

Сайлов округимиздаги масалаларни ҳал қилиб берсак, албатта, халқ вакили сифатида улар қатори биз ҳам хурсанд бўламиз. Округдаги нуруний, кекса авлод вакиллари дўга қўл очиб, яхши тилаклар билдирганида янада яхшироқ ишлашга иштиёқимиз ошади. Чунки дуолар қалб хотиржам-

лигига олиб келади.

Ортимга қарасам, ҳаётимда катта йўқотишлар бўлмагани, фақат янги-янги чўққиларга эришганимни кўраман. Мустақиллигимизнинг 25, 30 йиллиги кўкрак нишонлари, ўтган йили эса “Шўҳрат” медали билан тақдирланишим кучимга куч қўшди, янги мақсадлар сари руҳлантирди. Давлат мукофотини халқ вакили сифатида олиш эса мустаҳкам қанот бўлди.

Сайловчилар билан учрашганда уларнинг дуоси сабабли эътирофга сазовор бўлиб юганимни таъкидлайман. Аслида ҳам халқ розилигида гап кўп. Ўйлаб қарасам, ҳар мустақиллик байрами арафасида нимадир ютуққа эришган эканман. Масалан, яқинда куйи палатада “Халқпарвар депутат” мақомига эришдим. Табиийки, бу янада кўпроқ ишлаш учун елкамга катта масъулият юкледи.

Умуман, ҳаётимдан, шу юрт фарзанди эканимдан бахтлиман. Оддий бир қишлоқ қизининг бугун Қонунчилик палатасида халқ вакили сифатида ишлаши яқинларим, маҳалладошларимни ҳам қувонтиради. Хали ўзим шогирд бўлсам-да, мен ўқитган йигит-қизлар турли лавозимларда халққа хизмат қилаётганини кўриб, фахрланиб кетаман. Бу ҳам бир мукофот аслида.

Келгуси режаларимга келадиган бўлсам, ҳали қилишим керак бўлган ишларим кўп. Ҳозирги кунда илмий изланишданман, келгуси йилда яқини етказишни режалаштирганман. Шунга аминманки, бу юртда ишлаган, меҳнат қилган ҳар бир инсон эътироф ва эътиборда. Бунинг учун шунчаки эмас, виждонан, ҳалол ишлаш керак.

Яна бир фикрни алоҳида айтмоқчи эдим. Инсон камолатида унинг ота-онаси, устозлари ва жамоасининг ўрни катта. Менга шундай устозлар қўлида тарбия топиш, ишлаш насиб этди. Қандай ютуққа эришган бўлсам, доимо устозларим насиҳати, жамоанинг қўллаб-қувватлови ҳамда уларнинг йўл-йўриқ кўрсатишлари орқали эришдим. Ҳаммани байрам билан табриклайман.

ФАОЛ БЎЛАЙЛИК



Акмал УМАРАЛИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент
вилоят кенгаши раиси:

— Мустақиллик байрамини катта тайёргарлик билан кўтиб олиш биз учун эзгу аъёнага айланган қолган. Чунки бу байрам бутун миллат ва халқ тақдирини билан боғлиқдир. Байрам арафасида босиб ўтган йўлимиз, охириги йилдаги ишларимизни сарҳисоб қилиб, ютуқлар ва бой берилганларни хаёлимиздан ўтказишимиз табиий, албатта.

Бугун одамлар анча яхши яшайпти. Уларнинг кўнгли ҳам, кўзи ҳам анча тўқ. Маданият ҳам шунга мос равишда ўсиб бораёпти. Меҳнат қилган, ҳаракатдаги одамнинг ҳаммаша ризқи бутун бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу сабабли, халқимиз, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлик билан шуғуланишига шароит яратиш ислохотларнинг бош мезонига айланди. Албатта, бу борада тадбиркорлар учун имтиёз ва рағбатлар катта кўмак бўлиб, мустаҳкам ишонч бермоқда. Биргина ижтимоий дафтарлардаги ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида миллиардлаб маблағлар ва субсидиялар ажратилди.

Тошкент вилоятида ҳам камбағалликни қисқартириш, аҳолини марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш, йўл қурилиши, янги боғча, мактаб, шифохона каби ижтимоий объектлар сони йил сайин ортиб бораёпти. Умуман, вилоятдагилар ҳам ўз тақдирини ўзгаришларни кўриб, маррани кенгроқ ва баландроқ олиб яшашни ўрганди. Озми-кўпми, бу ишларни жонлантириш вазифаси биз партиё фаолларининг ҳам зиммамизга тушган бурчдир. Шу мақсадда жойларда турли тадбирлар, учрашувлар ўтказаямиз, одамларнинг қалбидегиларига қўлоқ тутаямиз.

Хусусан, барча туман, шаҳарларда маънавий-маърифий анжуманлар, “Депутат маҳлали”, “Ёшларга кўмак”, “Уч авлод учрашуви” тадбирлари, очик мулоқот ва суҳбатлари ўтказилмоқда. Янгиланган Конституция мазмун-моҳияти ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг асосий устувор йўналишлари доирасида белгиланган туб ислохотлар ҳақида тушунтиришлар берилди. Муҳими, одамлар бефарқ эмас. Уларда ижтимоий-сиёсий масалаларга иштиёқ баланд. Юртдошларимиз билдирган фикрларда шукроналик мужассам.

Қилиниши зарур бўлган ишларимиз ҳам оз эмас. Ҳаёт бешафқат, вақт эса тўхтовсиз ўтиб боради. Ҳар бир фуқаро бир муддат тўхташи, мулоҳаза қилиши ва имкониятларни қадрлаш ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўриши лозим. Бу жараёнда сиёсий партиясининг фаол иштироки этиши, айниқса, муҳимдир.

Демак, аҳоли орасидаги ишларимизда шу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш, бугунги ва кечаги кунни аниқ ва ҳаётий мисоллар орқали таққослаб, мустақиллик неъматлари ҳақида тушунтириш ишларини кўпроқ олиб бориш керак, деб ўйлайман. Айни пайтда асосий режа ва мақсадларим мана шу масалалар билан боғланган. Ўйлайманки, халқ розилиги учун қилинаётган ҳеч бир ҳаракат жавобсиз қолмайди.

INSON VA XOTIRA

УЛУҒ ВА КАМТАР

ГАЗЕТАЧИЛАР ҚАДРДОНИ

Жумҳуриятимизнинг асосий рўзнома-си "Совет Ўзбекистони"да 20 йилдан ортиқ муҳаррирлик қилган чоғларимда Шароф Рашидов билан кўп марта учрашиб, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлганман.

Мазкур мақолада унинг кўп қиррали, жўшқин фаолиятининг фақат бир соҳаси ҳақида ўз билимларимни ёздим, холос. Булар – кўпроқ газетачилик фаолияти билан боғлиқ бўлган кузатишларим.

1964 йилдан бошлаб "Қизил Ўзбекистон" газетасида муҳаррир бўлиб ишлаб бошладим. Бундан бир неча йил илгари, яъни 1949 йилда замонанинг заили билан шу муқаддас даргоҳга мақола ёзиб келганимда мени газетага ишга олган ҳам Шароф Рашидов эди.

Муҳаррирлик қилиш осон иш эмасди. Газета даргоҳида ишлаётган ижодкорлар ҳар бири бутун оламга татийдиган атоқли журнал-листлардан, ёзувчилардан таркиб топганди. Лекин Шароф Рашидовнинг ғамхўрлиги, эътиборини ҳар кун, ҳар дақиқада сезиб турардим. Агар бирор иш бўйича маслаҳатлашиши зарур бўлганда, у киши газетачилар учун ҳар доим вақт топарди.

Шароф Рашидов одатда иш кунини ўша кунги рўзномалар билан танишишдан бошларди. Эрта тонгда бир даста қилиб унинг хонадонига кундалик газеталарни олиб бориб беришарди. Нонушта олдидан уларни кўриб чиқишга улгурарди. Агар газета саҳифаларида эътиборга лойиқ мақола босилиб чиққан бўлса, хизматга боргач, рўзнома муҳаррирларига, ҳатто мақола ёзган муаллифга кўнғироқ қилишни унутмасди. Министрликларга, вилоятларга алоқадор бирор мақола босилиб чиққан бўлса, уларга кўнғироқ қилиб, уни муҳокама этиб, зарур чоралар кўришни талаб этарди.

ЯХШИЛИК УЛАШАРДИ

Шароф Рашидов кўнглида кек сақламасди, бировга ёмонликни раво кўрмасди. Ўйлаб кўрайлик, Шароф Рашидов биринчи котиб бўлиб ишлаб юрган кезларида бирор кишининг бурнини қонатганми? Ишни эплай олмаган ёки ўтиб қолган кадрларни ҳам яхшилик билан кўнглини кўтариб, ўзига лойиқ иш билан таъминларди. Буни жумҳуриятимизда раҳбарлик лавозимида ишлаганлар жуда яхши билишади.

Шанба кунини эди. Иш билан ўралашиб тургандим. Ички телефонимиз жириглаб қолди. – Бугунги сонингизда қандай мақола-лар бераписиз, – сўради кимдир. – Мен сизга газетада нима кетаётганини айтиб беришим зарурми? – деб қўпол жавоб қилибман. Кейин таниб қолдим, телефон қилган Шароф Рашидов экан, ички телефон орқали алоқа боғлашнинг ҳеч ўйламаган эканман. Ахир, Шароф ака газетанинг ипидан игнаси-гача биларди-да. Коммутаторда ишлайдиган ходимларни ҳам яхши танирдим. Шунинг учун ўша кунги ички телефон орқали бошқа муҳаррирларга ҳам топшириқ берган.

Узр сўрадим. – Сиз тўғри жавоб қилдингиз, – деди Шароф ака қулиб. Шароф Рашидов жумҳуриятимиз вилоятларида кўп бўларди. Айниқса, долзарб дамларда ҳафталаб дала кезар, ечилмаган кўплаб муаммоларни ўша жойнинг ўзидан ҳал этиб берар, кейин ҳаётий масалаларни тайёрлаб Марказқўм бюроси муҳокамасига қўярди. Бирор жойда яхши ташаббус, янгилик бўлса, ўша захоти муҳаррирларни қидириб қолар, ўша ердан туриб топшириқ беради. "Совет Ўзбекистони"га кўнғироқ қилганда "фалон муҳаррирингизни юборинг" деб, ҳатто вилоятларга борадиган журналистларнинг фамилиясини ҳам айттарди. Ёдимдан чиқмайди. Бир кунги Қашқадарёдан телефон қоқиб, "анави Маъруф Назаров деганингиз бор-ку, ўшани юборинг", деб айтгани эсимда. Шароф Рашидов газетачиликдан чиққанлиги учун рўзномада нима ёритиш кераклигини кўпинча ўзи айтиб берар, газетада ташкил этилган "Илғорлар минбари"да ўз долзарб мақолалари билан чиққан ажойиб тажрибакор деҳқонлар ўша кишининг таклифи билан газета минбаридан ўрин оларди.

БИР КИТОБ ТАРИХИ

Ёз ойлари эди ўшанда. Марказқўмдан биринчи котибнинг ёрдамчиси М.И.Косих телефон қилиб: "Сиз хонангизда бўлинг, Шароф Рашидович Сочидан телефон қилар эканлар", деб қолди. Телефонни қўйишим билан шаҳарлараро алоқадан кўнғироқ бўлди, олсам – Шароф Рашидов. Ўшанда Шароф ака "Дўстлик байроғи" китоби устида иш олиб бораётганлигини айтиб, яқин кунлар ичида бир-икки бобларини юбораман, шуни кўриб, босмага тайёрларсиз, деб қолди. Кейин бироз вақт ўтгач, китобнинг ай-



рим боблари кетма-кет кела бошлади. Шароф ака одатда кўк рангли сиёҳда ёзишни яхши кўрарди. Газетада муҳаррирлик қилган кезларида ҳам шунчақ рангли сиёҳдан фойдаланарди. "Дўстлик байроғи" китобининг қўлёзмаси бошдан-оёқ қўлда ёзилган, ўша кўк рангли сиёҳ билан битилган. Мен шунда Шароф аканинг кўнглига, ишлаш услубига қойил қолганман. Қарийб 7-8 босма варақдан иборат рисолатни бошдан оёқ ўз дастхатида, ҳеч эринмасдан бирма-бир ёзиб чиққани кишини ҳайратга солади. Бу, ахир, қанча оғир меҳнат! Шундай катта лавозимдаги ... бирор стенографисткага ёки машинисткага айтиб турип ёздирса бўларди-ку. Баъзи оғзига кучи етмаган кимсалар Шароф аканинг вафотидан сўнг "Шароф Рашидов асарларини ўзи ёзмаган" дейишгача бориб етди. Биз унинг қўлёзма устида ишлаган кезларининг ҳам гувоҳчи бўлганмиз. Шароф ака ўта ишчан, чарчаш нималигини билмасди, қачон кўрсанг, бирор асар устида иш олиб борарди. Биз уни кузатардик, ҳатто мажлисларда ўтирганда ҳам тинчимас, қабулида бўлганимизда сиз билан суҳбат қурип турип, сиёсий бюронинг қарорларини ўқиб, кўк сиёҳли ручкаси билан керакли жойларини чизиб ўтирарди.

Баъзан чет эллик меҳмонлар, журналистлар ундан: "Ишингиз бошингиздан олиш ётибди, биринчи котиб бўлсангиз, асар ёзишга қачон вақтингиз бўлади", деб сўраб қолишарди. Шунда Шароф Рашидов қулиб: "Дам олганимда", – деб жавоб беради. Қўлёзманинг асосий қисмлари қўлимга теккандан кейин машинкадан чиқариб, нашриётга топширдим. Шароф ака Сочида турганда хат йўллаб қўлёзмасидаги айрим фикрлар, мулоҳазаларни айтиб турган. Ўша юборилган хатлар унчалик катта эмасди. Бир қоғозга етар-етмас, фақат иш юзасидан битилган, шахсий. Шундай бўлса ҳам ўқувчилари мени кечирсинлар, ўша олийжаноб инсоннинг хотираси учун ва унинг инсоний сифатларини кўрсатиш мақсадида иккита хатни келтириб ўтмоқчиман.

Сочидан ёзиб юборилган кичкинагина мактуб шахсан менга ёзилган. Уни шу дамгача бирор одамга кўрсатмаганман, айтмаганман ҳам. Илтимос, мени нокамтарликда айб этманг.

Мана ўша дасхат:

"Укам Мақсуджон!
Сизга Сочи шаҳридан самимий салом! Яхши ижод қилиб, дам олмақдамиз. Яқин кунлар ичида кўришиб ҳам қоламиз.
Ука, сизга "Дўстлик байроғи" китобидан икки бобини юбордим. Қолган учтасини ҳам тезда етказаман. Сабабки, баъзи манбаларни Тошкентда қолдириб келган эканман. Шу босдан баъзи жойларини яна бир кўриб чиқишга тўғри

келар, китобни тайёр деса бўлади, ammo шу тайёр нарсани ҳам жуда банд бўлганимиз сабабли февраль ойидан бери сизга топшира олмаяпман. Умидим шулким, 10 сентябрь куни охириги мақолани мена олурсиз. Ишингизги зафар тилайман. Дўстларга ва келинга салом.
Эътиром билан,
Шароф Рашидов.
19 август, 1968 йил."

Ушбу мактубда Шароф Рашидов охириги мақолани 10 сентябрда топшираман деган бўлса ҳам, лекин бир неча кундан кейин махсус почта орқали ваъда қилинган охириги бобни редакцияга юборди. Мен уни тезда кўриб чиқиб теришга тушириб юборганман. Шундан кейин иккинчи алоқа хатини олдим, унда баъзи бир кичик мулоҳазалар баён этилган ва қилиниши зарур бўлган ишларни алоҳида ёзиб қўйган.

"Укам Мақсуджон!
Салом!
1. Ручкасини ҳам юбордим. Солиштириб ўқисангиз, фойдадан холи бўлмас.
2. 45, 46, 50 – ва бошқа бетларда сўзлар ҳар хил ишлатилган. Турли-туман бўлмасин. Матбуотда қабул қилинган вариантини олинг. Изчиллик бўлсин.
3. Тезроқ ва жиддийроқ ўқиб, кўнт билан таҳрир этиб босмахонага топширинг. Вақт кетиб қолди, кечикяппиз.
Сизга эътиром билан,
Шароф Рашидов.
3.IX.1968 йил."

Иккинчи мактубнинг бир муҳим жойи бор. Унда Шароф ака бир нарсаси эътиборни жалб этган. Мен қўлёзamani олган, таҳрир вақтида ўзимча анча мулоҳазасига борганман. Агар баъзи жойларини бироз ўзгартириб таҳрир этсам, хафа бўлмасмиканлар, деб кўнглимдан ўтказган эдим. Ахир, Шароф ака Марказқўмнинг биринчи котиби, бутун олам танийдиган одам бўлса... Шароф ака фикрларимни узоқдан турип билгандай, "Кўнт билан таҳрир этинг", деб гўё менга рухсат этган эди. Албатта, мен китобнинг баъзи жойларини таҳрир этганман. Ўша қўлёзamani ўз хонамадаги стол тортмасида бир неча йил эхтиётлаб сақлаб юрдим, ammo кейинчалик Шароф Рашидов вафотидан илгари Марказқўмдан яна Михаил Иванович Косих кўнғироқ қилиб, ўша қўлёзamani олиб келиб беришни илтимос қилди. Уни архивга топшириш керак экан. Мен қўлёзamani шахсан ўз қўлим билан Косихга олиб бориб берганман.

Шароф Рашидов дам олишдан қайтиб келгандан кейин мен босмахонада тайёр терилиб ўқиб қўйилган китоб гранкасини ўқиш учун унинг Шелковичнаяди уйига бордим. Шароф ака раҳматлар айтиб, китобни олиб қолди-да, бир кун ўтгандан кейин эрта билан мени уйига таклиф этди. Бирга ўтириб нонушта қилдик. Дастурхонада кўп нарса йўқ эди. Бир пиёла қатик, нон, шакар, сарёғ. Кейин куймоқ олиб келишди. Бир пиёладан чой ичдик. Шароф ака китобнинг гранкасига баъзи тузатишлар қилган эди. Кейин уларни менга кўрсатди-да, "розмисиз, ўртоқ муҳаррир", деб қўйди. Тошкентда ер қимирлаши муносабати билан редакциямизга келган айрим хатларни таҳрир вақтида китобга киритган эдим. Шароф ака "Буни яхши қилибсиз. Китобни тўлдирипти. Жуда ҳам жойига тушипти", деб хурсанд бўлди.

"Дўстлик байроғи" рисоласи босилиб чикди. Кейин у рус тилида ҳам чоп этилди. Китоб халқларнинг буюк, бузилмас дўстлиги гоялари билан сўғорилган эди. Шароф Рашидов вафотидан кейин Марказий Комитет пленумида унинг меҳр қўйган айрим шогирдлари "Шароф Рашидов рус тилини ўрганиш масаласига яхши эътибор бермади", дейишгача бориб етишди. Бу, албатта, қуйишқондан чиқш эди. Ваҳоланки, ҳаёт чоғларида унинг баъзи бир муҳолифлари бунинг аксини айтишганди.

МАТБУОТИМИЗ ЖОНКУЯРИ

Бунинг устига "рашидовчилик" деган бир ибора ҳам пайдо бўлиб қолди. Бу ибора умуман Шароф Рашидов раҳбарлик қилган даврининг сиёсий, иқтисодий йўналишига, кадрлар сиёсатига гўё "назарий" баҳо беришга уриниш эди. Бундай иборалар Шароф Рашидов қўл остида, унинг бевосита ғамхўрлиги, эътиборидан баҳраманд бўлган, жумҳуриятнинг иқтисодий, мафкуравий ҳаётига раҳбарлик қилган кишилар томонидан айтилганди.

1974 йил. Янги йил арафаси эди. Марказқўмдан телефон қилишиб, "Шароф Рашидов "Редакцион корпус"ни кўргани боради", деб қолишди. Ўшанда барча редакциялар 16 қаватли янги бинога кўчиб ўтишганди. Ёдингизда бўлса, илгари барча редакциялар "Правда Востока" кўчасидаги икки қаватли бинога жойлашган эди. Бирлашган нашриётнинг сойқ директори В.А.Архангельский даврида ўша икки қаватли бино устига яна икки қават қўйилганди.

Жумҳуриятимизда матбуот ишлари тобора ривож топиб, янги-янги рўзнома, ойнамалар учун қурилган мавжуд бино ўсиб бораётган талабни қондирмасди. Шунда редакторлар нашриёт раҳбарлиги билан биргаликда янги "Редакцион корпус" қуриш ҳақида хат тайёрлаб Шароф Рашидов хузурига кирганмиз. Шароф Рашидов бизнинг хатимизни ўқиб чиқиб, шу захотиёқ унга имзо чекиб, Давлат план комиссиясининг раиси С.К.Зиёдуллаевга топшириқ берган. Шундан кейин тез фурсат ичида лойиҳа-хужжатларни тайёрлаш бошланган. Хуллас, бир неча ойдан сўнг қурилиш ишлари ҳам авж олиб кетди.

Шароф ака ўша кунги тушдан кейин ташир буюрди. Аввал ишни босмахонадан бошлаб, ўзи билган, узоқ йиллар бирга ишлаган ҳарф терувчилар, метранпажлар, газета тузувчилар, босмахона ишчилари, инженер-техник ходимлар билан учрашди. Кейин редакциялар билан танишди.

"Совет Ўзбекистони" газетаси бинонинг тўртинчи ва бешинчи қаватларига жойлаштрилган эди. Шароф Рашидов, барча бюро аъзолари билан бешинчи қаватга кўтарилиб, ўзи бирга ишлаган жамоа билан учрашди. Шунда муҳаррир хонасига кирганда иш столида газетанинг бугун ўқилиши лозим бўлган саҳифалари турарди. Ана шу кадрдон саҳифалар сойқ муҳаррирининг кўзига бошқача кўриндими ёки газетада ишлаган навқирон йилларни эслатдими, уларни олиб, кўзига суртгандай меҳр билан қараб қолди.

Шунда мен у кишига мурожаат этиб: – Шароф Рашидович, бир вақтлар сиз мана шу муҳаррирлик курсисида ўтирган эдингиз, қани марҳамат қилиб жойингизга ўтиринг, – деб илтимос қилдим. Шароф Рашидов курсига ўтирди. Кейин худди газетанинг муҳарриридек, саҳифаларни кўздан кечира бошлади. – Энди, мана бу саҳифага эсдалик учун қўл қўйиб беринг, – дедим яна. Шароф ака чўнтагидан ўзининг кўк сиёҳли ручкасини олдида саҳифага имзо чекди. Муҳаррир хонасида саҳифани ўқиш пайтида тушган сурат менинг шахсий альбомимда ўша ноёб дақиқалардан ўчмас ёдгорликдек сақланиб қолган. Ўшанда, 1974 йил 31 декабрда СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Ша-

INSON

роф Рашидович Рашидовга иккинчи марта Социалистик Меҳнат Қахрамони унвони берилди. Биз, барча муҳаррирлар йиғилишиб, Шароф Рашидовни юксак унвон билан муборакбод этгани Марказқўмга борганмиз. Эсдалик учун суратга тушаётганда журналистлардан кимдир "Шароф Рашидович, кеча сиз газетачиларнинг даргоҳига ташриф буюрдингиз-у, Олий унвонга сазавор бўлдингиз, энди ўзингиз ишлаган она даргоҳингизга тез-тез бориб туринг", – деб ҳазиллашди...

Жумҳуриятимиз пойтахтига кўрамлик, салобат бахш этиб турган 16 қаватли ана шу "Редакцион корпус"нинг бунёдкори ҳам Шароф Рашидов десак хато бўлмас. Тошкент метроси-чи, унинг қурилишига марказдагилар "Тошкентда метро қуриб бўлмайди", деб қаршилиқ қилишди. Аммо Шароф Рашидовнинг қатъиятлиги, ўз жумҳурияти, эл-юрти иши учун жонкуярлиги туфайли мазкур ер ости қошонаси тез фурсатда барпо этилди. Ёдимда, метро қурилиши бошлангандан кейин Марказқўм бюросининг йиғилишларида қурилишнинг бориши, сифати, ҳар бир бекатнинг қачон тугалланиши, ишга тушиш муддати Шароф Рашидовнинг назоратида эди. У кўпинча бюро йиғилишларида қурилиш бошлиғига: "Сиз тезроқ бунёд этинг, мен сизнинг ёрдамчингиз бўламан, истаган вақтингизда хузурига келинг. Сизга эшигим ҳаммаша очик", дерди. "Редакцион корпус", Тошкентметрополитени, "Халқлар дўстлиги" саройи, Тошкент цирки, Киночилар уйи, "Пахтакор" стадиони, Хамза театри, умуман, Тошкентдек азим шаҳарнинг қайта бунёд этилиши ва вилоятларда олиб борилган улкан қурилишлар ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, оташқалб инсон Шароф Рашидов номи билан боғлиқ. Буни бугун жумҳурият билади. Шу боисдан ҳаммаша ҳурмат билан эслашади.

Шароф Рашидов ўз фаолиятида матбуотнинг кучига, қудратига таянарди. Кўпинча: "Ўйлаб кўринг, биз бирор вилоятда ёки жумҳуриятимизда йиғин ўтказсак, боринг, минг киши қатнашсин. Аммо матбуотдаги чиқишларни эса юз минглаб одамлар ўқийди", дерди. Шу боисдан, вилоятларда бўлганда ҳам маҳаллий газеталарнинг муҳаррирлари билан учрашишни унутмасди. Уларни жуда яхши биларди. Ҳатто жумҳурият газеталарининг вилоятлардаги мухбирларига ҳам баъзан топшириқ берганлигининг гувоҳиман.

ФАХРИЙ МУҲАРРИР

1978 йил июнь ойида "Совет Ўзбекистони" газетасининг 50 йиллиги нишонланди. Унга қардош жумҳуриятлардан меҳмонлар, газеталарнинг муҳаррирлари ташриф буюришди. Марказқўм, шахсан Шароф Рашидов бу муборак байрамни нишонлашга катта эътибор бердилар. Ёдимда, ўшанда газетанинг собиқ муҳаррирларига эсдалик учун алоҳида ҳужжат тайёрлагандик. Шароф Рашидовга ҳам. Ҳужжатда шундай деб ёзилган эди:

ЕТИМНИНГ ТЎЙИ

Сўққа бош бўлганим учун кўпинча ишхонамда қолиб кетардим. Тахририят хоналаридан бири менинг тунаб қоладиган иккинчи уйим эди. Муҳарриримиз Шароф Рашидовнинг менга жони ачишини билардим. Буни мен бўлимимиздаги одамлардан, бўлим бошлиғимизнинг муносабатларидан билиб юрардим.

– **Ука, сизни уйлантирмоқчимиз, деб қолдилар бир куни Шароф ака. – Ҳа, шунақа уйлантириб қўямиз.**

– **Мен нима дейишимни билмай, ҳол-аҳволимни айтиб солдим.**

– **Отамни кўрмаганман. Онамдан укам тўрт, мен олти ёшимизда адашиб қолганмиз. Шундан кейин болалар уйда тарбияландим. Укам ҳали топилганича йўқ. Онамни яқинда топдим. Уйланиш учун эса ақча керак. Умрим болалар уйда, армия хизматида ўтди. Уйланиш хаёлимда ҳам йўқ...**

– **Шунда мен муҳарриримиз Шароф ака билан туғишган акам билан, отам билан гаплашгандай бўлдим. Ёлғиз кишига бир оғиз ширин сўз нақадар азизлиги жуда билинаркан...**

– **Тўй таратқилиш бошланиб кетди. Болалар уйда бирга тарбияланган марҳум бастакор Абдураҳим Мухамедовнинг синглисини келин қилмоқчи бўлдим. "Ленин учқуни" газетасининг муҳаррири (болалар уйда бирга бўлганмиз) Жаҳонгир "менинг янги костюмимни киясан", деди. Домла Шайхзода ошнинг ёғини кўтарадиган бўлди. Қўй, дастурхон безагини муҳарриримиз Шароф ака ўз зиммасига олди.**

– **Уйланишим ҳақидаги Шароф ака билан суҳбат 1949 йил 5 ноябрь эди. Тўйимиз эса 29 ноябрь куни зўр тантана билан ўтди. Ҳа, мана шундай инсонлардан давлат арбоблари етишиб чиқар экан. Ўзи учун эмас, ўзгалар учун, жамият учун, халқ учун яшаган Шароф Рашидов ана шундай бегубор, халқпарвар инсон эди. Унинг руҳи биз билан ҳақиқат дунёсида машъал бўлиб нур сочиб туради. Ҳақиқат бор, деб мана шунга айтадилар. Ҳар гал тахририятга келганимда ўша кўмир билан иситиладиган печкали хона ва муҳаррир қабулхонасини хаёлан зиёрат қиламан. Кўз олдимда Шароф ака оталик меҳри билан жилмайиб:**

– **Аҳволинг қалай, деб сўраётгандек бўлади.**

– **Раҳмат, Шароф ота. Худого шукр. Саккиз фарзандим, 26 неварам бор, сизга минг минг раҳмат, дейман...**

**Раҳматилла ИСҲОҚОВ,
"Қизил Ўзбекистон" (ҳозирги "Ўзбекистон овози")
газетасининг собиқ ходими.
23 июнь, 1992 йил.**

"Ушбу ҳужжатни кўрсатувчи Шароф Рашидович Рашидов "Совет Ўзбекистони" газетасининг фахрий муҳаррири ҳисобланади".

**Муҳаррирнинг имзоси
1978 йил 21 июнь.**

Шароф акани юбилейга тақлиф этиб, ана шу ҳужжатни олиб хузурига бордим.

– Ҳужжатга қўл қўймабсиз-ку, деди Шароф ака кулимсираб.

Ҳақиқатан ҳам имзо қўйилмаган эди. Мен имзо чекишга истиҳола қилгандим. Кейин Шароф ака ҳужжатни менга бериб: "Имзо чекинг", деди. Ёнимдан ручкамни олиб қўл қўймоқчи бўлгандим, "Мана бу сиёҳда қўйинг", деб ўзининг кўк сиёҳли ручкасини тутқази. Мен ўзимда йўқ ҳаяжон ва эҳтиром билан ўша ҳужжатга қўл қўйдим.

Кейин Шароф Рашидов газетанинг юбилейи ҳақида батафсил сўраб, қилинадиган ишларнинг ҳаммасини суриштирди. Биз юбилейни аслида бирорта театрда ўтказмоқчи эдик, бўлимлар билан келишиб ҳам олгандик, аммо Шароф ака юбилейни Марказқўмнинг мажлислар залида ўтказамиз, деб қолди. Кейин қардош жумҳуриятлардан келган

меҳмонларни Бухоро, Самарқанд, Хоразмга олиб боришни маслаҳат берди. "Шахсан самолётим ўша кунлари сизларнинг ихтиёрингизда бўлади. Маъсул кишиларга айтиб қўяман", деди Шароф ака. Унинг хузуридан бошим кўкларга етиб хурсанд бўлиб чиққанман. Ўшанда "Совет Ўзбекистони"нинг 50 йиллиги жумҳуриятимизда катта байрамдек нишонланган. Юбилейда Шароф Рашидовнинг ўзи, барча бюро аъзолари бошдан-оёқ иштирок этишди.

АРМОН

Шароф Рашидов ўз хизмат бурчини ўтаб турганида бандаликни бажо келтирди. Унинг ҳаёти фақат меҳнат ва меҳнат билан ўтди. На роҳатни, на майшатни биларди. Булоқ сувидек муссаффо қалб эгаси эди. Иғво, фисқу-фасод шу даражага бориб етдики, ҳатто уни порахўрликда айбламоқчи бўлишди. Бу ўта галамислик, унга тўхмат эди. Мотам маросимида унинг тобути устида ибратли сўзлар айтишди-ю бироз вақт ўтиши билан уни ёмон отликка чиқаришди. Қабридан олиб

бошқа жойга дафн этишди. Ахир, бу қандай кўргилик, қандай маъшум инсофсизлик бўлди. Эскичасига ҳам, янгичасига ҳам гуноҳку бу? Ахир биз мусулмон фарзандларимиз-ку?! Қадимги Мисрда фиръавнлар даврида ўлган кишини ёмонлаган одам қатл этилган. Исломда бўлса, марҳумни ёмонлаш гуноҳ ҳисобланади. Одатда вафот этган кишини қабрга қўйишгандан кейин:

– Халойиқ, фалончи қанақа одам эди, деб сўрашади.

– Яхши одам эди, дейди келганлар. Шу билан Қуръон тиловат этиладию, одамлар "Жойинг жаннатда бўлсин...", деб тарқалади.

Шароф Рашидовнинг вафотидан сўнг, уни ёмон отликка чиқарганлар ўз оёғи билан жазосини топиб кетди. Эскичасига айтганда, арвоҳ урди уларни. Ўзлари шарманда-ю шармисор бўлишди.

Аммо бизни бир нарса ҳайратга солади: биз шарқона итоатгўйлик, бўйсунушлик, баъзан лоқайдлик туфайли шу кўйга тушиб қолмадикмикан? Тўғриси, рост гапни айтсак катталарнинг оғзига қараб туриб иш тутдик. Фалончи ёмон одам деса, ҳа ёмон деб кўр-кўрона қўл кўтардик. Яхши деса бара-варига чапак чалдик. Ёки лоқайд бўлиб туравердик. Ўзбек халқининг ажойиб фарзандлари... ни "халқ душмани"га чиқаришганда ҳам шундай бўлди. Ажойиб адибларимиз Сибирь сургунларида, авахталарда оламдан кўз юмиб кетдилар. Ҳўш, савол туғилади: бунга ким айбдор? Кўр-кўрона итоатгўйлик, чапак, лоқайдлик!

Ўзбек халқининг ажойиб фарзанди Шароф Рашидовга ҳам нисбатан шундай қилишди. Жумҳуриятимизнинг собиқ раҳбарияти, улар атрофидаги лаганбардорлар уни ёмон отликка чиқаришди. Унга йўқ ердаги айбларни қўйишди. Ҳақ гап шуки, ўшанда: "ҳой, одамлар, мусулмонлар нима қиляпсизлар", дейдиган одам топилмади.

Жумҳуриятимиз мустақил тараққиёт йўлига кирди. Халқимизнинг орзу-умидлари ушалди. Раҳматли Шароф Рашидов ҳам ана шундай эзгу кунларнинг келишини орзу қилган эди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бир куни суҳбат чоғида жумҳуриятимизнинг олтини ҳақида гап кетганда Шароф ака: "Қани энди шу олтинларнинг ҳаммаси ўзимизга қолса..." деган эди. У Ўзбекистоннинг ҳақиқий мустақиллигини жуда-жуда орзу қилганди. Лекин, ўша вақтда бундай масалани қўйиш матлақо мумкин эмасди.

Ҳа, ҳаёт шундай... боқий, ўтқинчи. Ке-чаги ҳурматли зот, амалдан тушиб, кичкина одамга айланиб қолади. Ўтқинчи дунё қонунияти ана шундай. Бу ўринда ватандошимиз улуғ Абу Али ибн Синонинг бир рубойиси мазмунини келтириб мақолага яқун ясамоқчиман:

"Мен ким бул дунёни кўрдим ва олам аҳволига назар ташладим, унда ҳайронликдан кафтини иягига тираб, пушаймонлик бармоғини тиллаб тургувчидан бошқани учратмадим".

**Мақсуд ҚОРИЕВ
1992 йил 13 май.**

ҚУТЛОВ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МАДАНИЙ МЕРОС БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

юртимиизнинг меҳнатсевар ва фидойи халқини давлатимиз
Мустақиллигининг 32 йиллик байрами билан муборакбод этади.
Сиз, азизларга мустаҳкам соғлиқ, яхши кайфият, оилавий
бахт тилайди.



32-YIL JILOS

8 МИЛЛИАРД — БУ ЕР ШАРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ АҲОЛИ СОНИ. БИЗ УЧУН ИККИТА СЎЗ БИЛАН ОСОНГИНА АЙТИЛАДИГАН РАҚАМ ОРТИДА ШУНЧА ТАҚДИР, ШУНЧА ОРЗУ-МАҚСАДЛАР ВА ТАБИЙ-КИ, ХУДДИ ШУНЧА ЭҲТИЁЖЛАР МАЖМУАСИ ЖАМЛАНГАН. КУРРАИ ЗАМИННИНГ ҚАРИЙБ 450 МИНГ КВАДРАТ КИЛОМЕТР МАЙДОНИНИ ЭГАЛЛАГАН ЮРТИМИЗДА ЭСА УЛАРНИНГ 40 МИЛЛИОНГА ЯҚИНИ ИСТИҚОМАТ ҚИЛАДИ.

ДЕМАҚ, ИСТАКЛАРИМИЗ, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЗАРУРАТИМИЗ ҲАМ ШУНГА ЯРАША. БУГУН ЎЗБЕКИСТОН ҚАНЧАЛАР ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТАЁТГАН БЎЛСА, УНИНГ АҲОЛИСИ ҲАМ ШУ ҚАДАР ФАРОВОН ЯШАШГА ИНТИЛМОҚДА.

АЙНИҚСА, ЭЛ ИЧИДА ЮРГАН ОДАМЛАР БИЛАН СУҲБАТЛАШАР ЭКАНСИЗ, НИЯТЛАР ИЖОБАТИ, БОШЛАНГАН ХАЙРЛИ ИШЛАРНИНГ САМАРАСИГА ГУВОҲ БЎЛАСИЗ, МУАММОЛАРНИ ЕНГИБ ЎТА ОЛАДИГАН МУСТАҚИЛ ОДАМЛАР САФИ КЕНГАЙИШИГА, ЯХШИЛИКЛАРГА ҚАТТИҚ ИШОНАСИЗ.

ОДАМ



Садоқат МИРЗАЕВА, "ART HOUSE SADOSH" МЧЖ раҳбари, Ўзбекистон ХДП аъзоси:

АЁЛЛАР
БАХТЛИ
БЎЛИШНИ
ИСТАЙМАН

— 5 йил олдин мактаб ўқитувчиси, тўғриси, соддагина қишлоқ аёли эдим. Давлатимиз берган шароит ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналишидаги ислохотлар сабаб ўзимни шу соҳада синаб кўришга аҳд қилдим. Қарорим тўғри бўлган экан. Ҳозирги кунда катта бир компаниянинг раҳбари, юзлаб шогирдларнинг устозига айландим. Ўзим каби юзлаб хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга эришдим. Мана шу мен учун ҳақиқий бахт бўлди.

Айни пайтда Фарғона давлат университетида магистратура йўналишининг 2-босқичида таҳсил оляман. Бу ҳам хотин-қизларга бўлган имконият намунаси саналади. 2016 йилдан буён барча турдаги болалар учун экологик тоза замонавий ҳамда миллий услубдаги кўғирчоқ ва ўйинчоқлар ясаб келяпман. Фаолиятимизни кенгайтирган тарзда аёллар учун миллий маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқаряпмиз.

Вилоятимиз аёллари қўли билан тайёрланаётган миллий маҳсулотлар нафақат юртимиз, хорижда ҳам сотилаётгани эса ўзбек брендининг омалашувига бироз бўлса-да ҳисса қўшади, деб ўйлайман. Айни пайтда Россия, Қирғизистон, Тожикистон, Туркия, Япония каби давлатларга буюртма асосида турли кийим-кечак ва кўғирчоқлар етказиб берилмоқда. Яна бир янгилгимиз эса халқаро онлайн платформа орқали кўғирчоқ ва ўйинчоқларни турли давлатларга сотишга эришяпмиз.

Биринчи қатнашган беллашувим 2019 йилдаги "Ташаббус" кўрик-танлови бўлган эди. Кейинчалик "Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли" номига ва "Фаол тадбиркор" кўрак нишонига муносиб кўрилдим. Бу йил эса хурсандчилигим қўшалок бўлди. Давлатимиз томонидан "Шухрат" медалига эришган бўлсам, Марказий Осиё хунарманд аёллари рақамли каталогидан ҳам жой олдим.

Асосий мақсадим ўзбек хунармандчилигини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантиришдан иборат. Камбағалликни қисқартириш ва жамиятда аёллар кадр-қимматининг ошишига ўз ҳиссамни қўшсам умрим беҳуда ўтмаётган, деб ҳисоблайман.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил март ойида ўтказилган сессияда айтган сўзлари ҳаётимизнинг позициянинг марказида туради. Яъни, қайсики оилада аёл билими, илми, хунарли ва албатта бахтли бўлса, ана шу жамият равнақ топиши таъкидланган эди. Опа-сингилларимизнинг бахтли бўлишига ҳисса қўшишни бурчим ҳам, деб биламан.

ҚОРОВУЛБОЗОР — БАХТ МАНЗИЛИМ



Гулнора НАРЗИЕВА, Қоровулбозор тумани "Бўзчи" МФЙ раиси, туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси:

— Бундан 63 йил олдин Вобкент туманида туғилганман. Ўша даврдаги ҳамма қишлоқ қизлари қатори оддий мактабда ўқидим ва оддий

нарсалар ҳақида орзу қилдим. Аёл киши учун энг яхши касб ўқитувчилик, деган қарашлар билан улғайдик. Йўқ, нолимайман. Ўз ишимни яхши кўраман. Болаларга дарс бериш, уларнинг униб-ўсаётганини кўриш ҳаётимнинг мазмунига айланди.

Москва педагогика институтини тамомлагач, турмушга чиқдим. Ўтган асрнинг 86-йилида тақдир тақозоси билан Қоровулбозорга келиб қолдик. Чунки ўшанда туман янги ташкил топган ва чўллар ўзлаштирилаётган давр эди. 50-60 километр масофага қатнаб, болаларга дарс бердик. У пайтда бугунги шароит, техникалар қаерда дейсиз. Кейинчалик, яъни 1990 йилда янги мактаб қурилиб, ўша ерга кўчиб ўтдик. Шароитлар яхшиланди, масофалар қисқарди. 1994 йилдан 2013 йилга қадар ўша мактабда директор бўлиб фаолият олиб бордим. Ўқувчилар ўз болаларимдек, ота-оналар эса оила аъзоларимдек бўлиб қолган. Бугун уларнинг ўзлари бобо ва буви бўлиб, фарзандлар ардоғида яшаппти.

Инсон оила ташвишлари, фарзандлар тарбияси кетидан югур-югур қилиб, умр ўтиб кетганини сезмай ҳам қолар экан. Қаерга ризқим қўшилган бўлса, ўша ерда ишладим. Умримнинг 30 йилдан кўпроқ қисми маориф соҳаси билан кечди.

Айни пайтда маҳалла раиси сифатида ишлаб келяпман. Бу эса бутунлай янги тизим, янги ҳаёт йўналишида ишлаш, дегани эди. Мана шундай масъулиятли ишни бажара олишим учун ишонч

билдирган маҳалладошларимнинг кўнгилни топиш ҳаммасидан ҳам қийини аслида. Туркман, қозок, тожик, татар, ўзбек каби турли миллат вакиллари истиқомат қиладиган маҳалламизда аҳиллик, ҳамжиҳатлик ҳукмрон. Шу сабабли бу менинг фаолиятимга ҳам енгиллик беради.

Ҳаётимда кўп йўқотишлар бўлди. Улим ҳақ. Лекин инсон яқинларини йўқотганда ўзини қўлга олиши жуда ҳам қийин бўларкан. 2015 йилда бир қизимни тупроққа қўйдик. Ўша лаҳзада ҳаёт мен учун тўхтаб қолгандек, маъносиздек туюлган эди. Шукрки, Яратган менга меҳрибон оила ва дўстлар берган. Уларнинг кўмаги билан яна ҳаётга қайтдим.

Бу олам ўткинчи экани, фақат яхшиликлар, эзгуликлар мангулигини тушуниб етгач, янада яхшироқ ишлаш, одамларга бироз бўлса-да нафим тегиши учун ҳаракат қила бошладим.

Сидқидилдан қилинган меҳнат эртами-кечми эътироф этилар экан. Агар бу давлат мукофоти даражасида бўлса, бошингиз кўкка етаркан. Бу йил ана шундай юксак ўнвонга сазовор бўлдим. Кўксимга тақилган "Дўстлик" ордени юрагимга чексиз ифтихор, қувонч ва янги ташаббуслар учун рағбат ҳам жойлади.

Маҳалла раислигимга муносиб бўлиш, одамларнинг ишончини оқлаш учун ҳар қанча бадорлик бўлса, бошимни баланд қилиб қарши оламан. Асли вобкентлик бўлсам-да, чинакам бахтим Қоровулбозорда эканини баралла айта оламан.

КУТИЛМАГАН БАХТ

Анастасия БАХАНОВА, уй бекаси:

— 2013 йилда Меҳрибонлик уйини битирганман. Ҳамма қатори мен ҳам ётоқхонада яшай бошладим. У ердаги оғир аҳвол ҳақида эслашни ҳам истамайман ва қолган дўстларимга ҳам тезроқ ўз уйларига эга бўлишни чин дилдан тилайман.

Айниқса, ёш болали оилалар учун ётоқхонада яшаш жуда хатарли, деб ўйлайман. Шукрки, қоронғу кунларимиз ортада қолди. Бир ой олдин давлатимиз томонидан берилган янги уйга кўчиб ўтдик. Миллий гвардия ходимлари бу ҳақида айтганида туш кўряпман, деб ўйладим. Хурсандчиликдан йиғлаб юбордим. Воқеликлар шу қадар тез ривожланиб кетдики, калитни топширишганда ҳам квартирага ҳамма нарсаларимни олиб келмадим.

Орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, кимдир уйимни тортиб олмасмикин, хонадонни бўшатиб қўйишим кераклигини айтишмасмикин, деган ҳадик ҳануз мени тарк этмади. Бу билан демоқчиманки, ишониб бўлмас даражада катта орзуларимдан

бири амалга ошди.

Биласизми, инсоннинг энг оддий ҳаётимиз эҳтиёжлари учун шахсий уйи бўлишиёқ нақадар хузуру ва хотиржамлик беради. Буни мен каби йиллар давомида бошпана номидаги жон сақлаш жойларида яшаган одамлар жуда яхши ҳис қилса керак. Бугун менга ана шундай ҳаловат берган инсонлардан чексиз миннатдорман.

Ҳокимият ҳам қараб турмади. Уйга қўшимча равишда маиший техника жиҳозларини ҳам тақдим этишди. Бу қўшалок совға бўлди. Тез орада қизалоғимга шерик дунёга келади. Ҳомиладорликнинг илк давридан бошлаб, биринчи фарзандим туғилган пайтдаги қийинчиликларни яна бошдан кечиришимни ўйлаб, жуда ташвишланардим. Энди уларнинг ҳеч бири қолмади. Айни пайтда эса фарзандларимга яхши таълим-тарбия бериш, ҳамма одамлар сингари оилавий хотиржамликда яшашни истайман. Умуман, Мустақилликнинг 32 йили менга қўшалок бахт берди. Ҳам иккинчи марта она бўламан ва фарзандимни ўз уйимда тарбия қиламан.

МЕҲМОНДА
ЯШАЁТГАНДЕКМАН

Ольга МАЙОРОВА, уй бекаси:

умидимни ҳам ўзиб қўярдим.

Аммо 2 ҳафтача олдин орзуларимиз амалга ошди. 10 кишига ўй беришларини эшитганимда қулоқларимга ишонмадим. Ҳатто ҳозир ҳам меҳмонда яшаётгандек ҳис қиламан ўзимни. Янги уйга кўчиб ўтгач, одамнинг орзулари ҳам ўзгараркан. Инглиз тилини ва компьютер соҳасини чуқур ўрганиб, дастурловчи бўлиб ишлаш ниятидаман.

Мустақилликнинг 32 йили ҳаётимдаги энг унутилмас бахтни насиб этди. Қорасув даҳасида капитал таъмирланган уйда байрамни кутиб оламан. Бу бахтни сўз билан ифодалаш қийин.

2 йил олдин ҳаётимдаги энг муҳим қарорлардан бирини олдим ва ислом динини қабул қилдим. Бугун дуоларимда, ибодатларимда менга шундай бахт ва қувонччи берган Яратганга шукроналар келтираман. Уйни тақдим этганлардан эса чексиз миннатдорман. Улар мен каби кўнгли ярим инсонлар қалбини бахтга тўлдиришдек хайрли ишни амалга оширмақда.

МУСТАҚИЛЛИГИ

ЭНГ ЯХШИ ТАШАББУС



Мақбула МАМИРОВА,
Жиззах шаҳридаги
Амир Темур МФЙ ҳоким
ёрдамчиси, II даражали
"Соғлом авлод учун" ордени
соҳибаси:

— Айти пайтда кайфиятимни бир неча жумла билан таърифлаб беролмайман. Давлат мукофоти олишни орзу қилмаган одамнинг ўзи бўлмас керак. Лекин бундай бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермас экан. Мени ушбу номга муносиб кўришганидан чексиз бахтлиман. Бу ҳақида ёзмасангиз ҳам, майли. Лекин айтмасам, бўлмайди. Бугун қандайдир ғайритабиий куч билан ишляпман. Бир томонда яқинлардан бўлаётган тинимсиз қўловлар, иккинчи томонда эса ишимдаги унум ғайратимга ғайрат кўшяпти. Авваллари бу ҳақида мукофотланганлардан эшитганимда, жуда ҳам оддий қабул қилгандим. Уни ҳис қилиш эса бутунлай ўзгача туйғу экан.

Энди фаолиятимга тўхталадиган бўлсам, ўзимни ислоҳ қилганимни айтишни истардим. Авваллари вилоят ташкилотларида ишлаганимда юриш-туришим ҳам, сўзлашиш услубим ҳам бутунлай бошқача эди. Маҳаллага тизимига тушганимда эса кийинишимдан бошлаб ўзимни ўзгартирдим. Яъни, оддий, содда либосларга ўтдим. Ёнимга мурожаат билан келаётган фуқароларнинг ҳолатини ҳис қилишга уриндим. Айниқса, аёлларнинг дардини эшитганимда уларга ёрдам бериш истаги ошади.

Эрақ ҳоким ёрдамчилари кўпчиликини ташкил қилади. Улар билан елкама-елка туриб ишлаганимда маҳалладошларимизнинг кўмаги катта. Шарқона андишага эга бўлган хотин-қизлар эса бундан жуда мамнун. Уларнинг айтишича, менинг ўрнимда эрақ киши бўлганида ёнига келолмас, уйларига борганда эса ичкарига киргиза олмас экан. Бу сўзлар эса мени янада яхшироқ ишлагга ундаяпти.

Бунгача Шароф Рашидов тумани ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари эдим. Унда 45 та маҳалладаги аёлларнинг муаммоларига қулоқ тутишим керак эди. Ҳозир эса ҳаммаси маҳалланинг ўзида ҳал бўляпти. Шунинг учун ҳоким ёрдамчиси лавозимини энг яхши ташаббус ва лойиҳалардан, деб биламан. Маҳалладаги "бешлик" биргаликда, ҳамжиҳатликда фаолият олиб боряпмиз. "Бу сенинг ишин", "бу менга тегишли" каби қарашлар йўқ. Бир-биримизни қўллаб-қувватлаш орқали одамларга кўпроқ нафимиз тегишини яхши англаймиз.

Маҳалламиздаги хотин-қизларнинг ҳаётини яхшилаш учун бир қанча ишни бошлаб кўйганман. Турли лавозимга таклифлар бўляпти. Мен эса ўз жойимда қолишни маъқул кўраман. Орзуим ҳар бир аёлни бахтли кўриш. Мақсадим – шу йўлда бор куч ва ғайратим билан ишлаш.

5 ЙИЛ ОЛДИН УЙСИЗ, ҲОЗИР ЭСА ФИРМА РАҲБАРИ



Комила ЖҲРАЕВА,
хусусий тадбиркор:

— 7 нафар фарзандим бор. Уларнинг 6 нафарини ўзим дунёга келтирганман, бирини васийликка олганман. Айти пайтда ўзим очган фирмага раҳбарлик қияпман. Биз экинлар учун уруғликлар ва гул кўчатлари етиштирамиз. Бугун сизга мана шулар ҳақида гапириб берайман, лекин 5 йил олдин уйсиз, ишсиз кўчада қолган эдим.

Кичик фарзандим энди дунёга келган маҳал турмуш ўртоғим бизни ташлаб кетди. Қайнонам эса уйдан ҳайдаб чиқарди. Чорасиз ҳолда ижарада яшай бошладик. Келин бўлиб тушган маҳалламдан нафақа олардим. Қайнонамнинг гапи билан маҳалладагилар ўша арзимаган 200 минг сўмини ҳам бермай кўйдим. Натижада уй эгаси хонадонини бўшатиб кўйишимизни айтди. Шунда ноилоҳ дала четига чайла тикиб, ўша ерда яшай бошладик. Совуқ кунлар келгунча шу алфозда қолиб кетдик.

Ишсизликдан бозорда кўчат сотардим. Кунларнинг бирида ёши каттароқ отахон гул сотиб кўришни маслаҳат берди. Аввалига шубҳаландим, бу иш наф бермайди, деб ўйладим. Лекин бир урилиб кўришга қарор қилдим. Гул сотишдан даромадим яхшиланди. Қора кунларимдаги иккинчи қувончли воқеа ўзим яшаб турган чайла атрофидан 30 сотихлик қаровсиз ернинг берилиши бўлди. Ўша жойга боғ қилдим. Бир йил давомида 2 челақаб сув ташиб, дарахт кўкартир-

дим. Ана шунда гулларни сотиш эмас, ўзим етиштириш ҳақида ўйлаб қолдим. Бугун иссиқхонада 2000 дан ортиқ турдаги гулларни етиштираман. Ўзимга ўхшаган хотин-қизларнинг ҳам бандлигини таъминлашга эришдим. 25 нафар ишчимиз бор.

Хотин-қизлар кўмитасидан ҳам миннатдорман, кўп ёрдам қилди. Уларнинг тавсиясига асосан давлат менга уй берди. Тўғриси, аввалига асло ишонмадим. Ўша пайтлардаги мен учун ушалмасдек орзулар бугун оддий ҳаётини эҳтиёжларим эканини тушуниб етдим. Менга кўмак кўлини чўзган, қийин пайтимда қўллаб-қувватлаган инсонларнинг яхшиликларини асло унутмайман.

Бугун топаётган даромадим ҳақида аниқ маълумотга эга эмасман. Лекин камиди 10 миллион сўмлик харажат қиламан. Болаларнинг мактаби, боғчаси, еб-ичиши, коммунал ҳамда кредит тўловлари ҳам бор. "Матиз" русумида шахсий автомашина оиламизга, иккита "Дамас" эса юкларни ташиш учун хизмат кўрсатади. Фарзандларим туманимиздаги нуфузли мактабларда, асосийси, аёло баҳоларга ўқийди.

5 йил олдин бир сўм пулсиз кўчада қолган аёл сифатида айтадиган гапим шунки, инсон асло тўхтамаслиги керак экан. Менга моддий ёрдам чиқмади, нафақа берилмапти, деб ўтирмаслик лозим. Бири бўлмасе бошқасида омади келади. Акси бўлса ҳам ютқазмайди. Тажриба орттиргани қолади. Ношукурлик, умидсизликка тушиш билан ҳаётда кўп нарсани бой бериб қўйиш мумкин.

Мақсадим, 10 гектар ер олиб, боғ ва гулзор қилиш, 50 нафар одамни иш билан таъминлаш. Болаларим одамларга наф келтириб яшашини, қийин вазиятга тушиб қолганларга ҳамма елка тутишини, қайси соҳада бўлмасин ҳалол ва виждонан ишлашини истайман.

Бу гапларни шунчаки айтмаяпман. Ота-сизликда катта бўлганман, кўп қийинчиликларни бошдан ўтказдим. Лекин курашишдан тўхтамадим. Болаларимнинг хотиржам, мириқиб ухлашини завқ билан томоша қилаётган онанинг бахтини сўз билан тушунтириб бўлмайди. Бугун биз ана шундай тинч юртда яшаяпмиз. Ўқ овозларидан уйғонмаяпмиз. Шукур ва сабр ҳар кимнинг кўш қаноти бўлсин. Чунки бу икки сўзнинг ҳикмати катта. Менинг номимдан барча Ўзбекистон ахлини байрам билан табриқлаб қўйишингизни истардим.

Бу ҳақида ёзмасангиз ҳам, майли. Лекин айтмасам, бўлмайди.
Чунки бу икки сўзнинг ҳикмати катта. Менинг номимдан барча Ўзбекистон ахлини байрам билан табриқлаб қўйишингизни истардим.

ОРЗУИМ АМАЛГА ОШДИ



Санобар ИБРОХИМОВА,
хусусий тадбиркор:

— Кечаги кунимга қараб сарҳисоб қилар эканман, инсон ҳар қандай ёшда ҳам орзу қилишдан, мақсадлари сари интилишдан тўхтамаслиги кераклигини англайман. Чунки, болалигимдан ўқитувчи бўлишни, болаларга сабоқ беришни орзу қилган. Аммо бир неча йил ҳаракат қилишимга қарамай олий таълим муассасасида ўқиш менга насиб қилмади. Тўғри, бунга кўриш қобилиятим пастлиги ҳам қайсидир маънода тўсқинлик қилгандир. Лекин ҳаммаси тақдирдан, деб ўйлайман.

Асосийси, ўқишдан йиқилишлар мени ҳаётда мустаҳкам оёқда туришга ундади. Тикувчиликни ўргандим. Ўзим ва оиламдагилар учун зарур нарсаларни қўлларим билан тиксам ҳам, фойдаку деган фикрда ушбу хунарни ўргандим. Қарайманки, қўлимдан яхшигина иш келаркан. Қўни-қўшни, таниш-билишлар ҳам буюртмалар бера

бошлади. Кейинчалик костюшим, тўй либослари, парда тикиш сирларини ҳам ўргандим.

33 ёшда оила қурдим. Фарзанд тарбияси, уй юмушлари, деб анча йил уйда ўтириб қолдим. Қалбимдаги бўшлиқ эса йил сайин катталашиб боргандек бўлди. Бошқа томондан эса оиламиз катталашган, харажатлар ҳам шунга мос ошган эди.

Шундай қилиб, 2022 йилнинг ёз ойларида ёнимга шоғирлар олиб, ишимни бошладим. Бу ҳақида хабар топган маҳалла фаоллари менга хунармандчилик марказига ишга таклиф қилишди. Бир ойлик синов муддатидан сўнг расман ишга қабул қилиндим. Бу йил эса маҳалла биносидан жой ажратишди, қулай шароит яратиб беришди. Ўша ерда замонавий пардалар тикиш ва буни ёшларга ўргатиш билан бандман. Айти пайтда даромадим ҳам, кайфиятим ҳам яхши. Чунки оиламга иқтисодий ёрдам беряпман. Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга, уларни хунарли қилишга ҳисса қўшяпман. Бу ҳаётда кимгадир фойданг тегиб яшашнинг гашти бошқача бўларкан.

Келажак учун режаларим катта. Ҳозирча маҳаллий буюртма билан ишляпмиз. Грант лойиҳа асосида керакли маблағни қўлга киритиб, фаолиятимни кенгайтирмоқчиман. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, кўшимча иш ўринлари очиш – ниятим.

Мухими, орзуим амалга ошди. 45 ёшимда билганларимни кимларгадир ўргатиб, устозлик мақомига эришимиз ҳақида ўйламаган эдим, тўғриси. Демак, чин дилдан исталган тилак амалга ошаркан. Ишим завқли, ҳаётим эса сермазмун. Бир инсонга бундан ортиқ нима ҳам керак?!



БАХТЛИЛАР КЎПАЙИШГА ИШОНАМАН



Малика ЭШМАТОВА,
оилавий боғча раҳбари:

— 1977 йилда туғилганман. 3 йил олдин оилавий боғча ташкил қилганмиз. У ерда бир тарбиячи билан 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган 25 нафар болага қараймиз. Аввалига чўчиб бошлаган ишим бугун ҳаётимнинг бир парчасига айланган.

3 йиллик кредит муддати ва шартнома тугагач, фаолиятимни кенгайтириб, 50 нафар болага етказмоқчиман. Бунинг учун имкониятим ҳам, тажрибам ҳам етарли. Болалар билан ишлагга ҳечам қийналмадим. Аксинча, ҳаётга муҳаббатим ошди, муаммолар ҳақида ўйлашга вақтим қолмади.

Ҳаётдан нолиб, ҳамма нарсаси бўла туриб, ношукур инсонларни ҳам кўраимиз. Лекин бу хато, деб ўйлайман. Чунки ҳаракат қилган одам натижага эришади. Айниқса, хотин-қизлар учун имкониятлар анча кенг. Ўзим мисолимда буни ишонч билан айта оламан. Аёлларга ожиза сифатида қарамай, уларга имконият бериш зарур, деган қараш натижада мен каби қўллаб ола-сингилларимиз ҳаётини яхшилаб олган ва ҳали кўрсаткичлар янада ошишига, бахтлилар кўпайишга ишонаман.

Қўш саҳифани Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.

O'ZLIK

ДЎХТИРЛИКДАН ЧЎЧИБ, ЖУРНАЛИСТ БЎЛДИМ

ва шеър ўрнига мақолалар ёздим...



Авалло, оиламиз ҳақида. Юсуф отам клуб мудирини, онам Нозикбиби кутубхоначи эди. Оилада икки ўғил ва икки қиз ўсганмиз. Ортиқ акам ўн ёшида Тошкентдаги рус мусиқа мактабига ўқишга кирди, политехника ва молия институтларини битириб, масъул вазифаларда меҳнат қилди. Онамининг отаси Жалил бобом Китоб ва Шахрисабз мадрасаларида ўқиган илмли киши эди. Шу тўғайлими, онам ҳам китобга меҳр қўйган, жуда кўп шеърларни ёддан биларди. Ҳали мактабга бормасдан ҳарф танирдим. Кутубхонада эртақ китобларни кўлимга илк тутказган ҳам онам эди. Отамнинг онаси Кўмири момомиз диний маросимларни ўтказар, жуда кўп эртақларни бизларга ёддан айтиб берарди.

Ун тўрт ёшга кирганимда, кутилмаган фожиа юз берди. Онам миясига қон қўйилишидан вафот этди. Ушанда онам ўттиз олти ёшда эди. Отам то бизлар улғайгунча, олти-етти йил уйланмади. Отамни қолоқ бригада етакчилигига юборишди. Тўққизинчи ва ўн синфда ўқиб, клуб мудирини бўлдим. Яхши ўқидим, хотирам кучли эди. Мен қишлоғимизда биринчи бўлиб мактабни олтин медал билан битирдим. Бутун дунё меники эди гўё. "Майитдан қўрқаман, одамларга тиг урламайман", деб отамнинг таклифини рад этдим. "Юрист бўламан!" "Одамларни қамашингни истамайман" отамнинг қатъий жавобини эшитдим. Анграйиб қолдим. Ўн ёшимдан шеър машқ қилганман. Уларнинг анчаси туман ва вилоят газеталарида босилган эди. Ўша шеърларни олиб, ҳужжатларимни ТошДунинг журналистика факультетига топширдим. Ёзма имтиҳон "яхши" бўлди. Адабиёт оғзаки имтиҳонини атоқли олим Озод Шарофиддиновга топширдим ва охирида ёзган газалимни ўқиб бердим, "аъло", деди у киши кўзимга тикилиб. Тарих ва инглиз тили фанларидан ҳам аъло олиб, ўқишга кирдим.

Таниқли олим устозлардан таълим

олдик. Етмиш олтинчи йил дипломни кўтариб "Қашқадарё ҳақиқати" вилоят газетасига келдим ва "фирқа аъзоси эмассиз", деган раддияни эшитдим. Туман газетасида "ўрин" йўқ экан. Туман радио эшиттириш тахририятида кичик ходим бўлиб ишга кирдим. Мустақил фикрлашим ёқмади, натижада бир йилдан кейин бўшаб, Тошкентга йўл олдим, ТошДУ сиртки аспирантурасига ўқишга кирдим. Илмий раҳбарим ажойиб олим Раҳимжон Усмонов эди. Қишлоққа қайтиб, ўрта мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлаб бошладим. Аммо муаллимлик ҳам, илмий иш ҳам тақдиримга битилмаган экан. Саксонинчи йилда "Қашқадарё ҳақиқати" вилоят газетасининг партия турмуши бўлимида муҳбир бўлиб ишлаб бошладим. Бўлим мудирини Абдулла Орипов ва Мурод Хидировларга устозлик қилган истеъдодли шоир Сувоқ Соқиев эди. У кишидан бир умр миннатдорман.

Саккиз ойда иш ўргандим. Бир ярим йилда маданият бўлими мудирини вазифасини бажарувчи бўлдим. Кўп қаватли уйдан уч хона ажратилди. Аммо қувончим узоққа чўзилмади. Менинг уйим кимларгадир керак бўлиб қолди. Тортишнинг иложи йўқ эди, юқори туманлар бўйича махсус муҳбирликка ўтказилди. Ҳаётни ичидан ўргандим, кўп ўқидим, тезда танилдим. Шахрисабз ароқ-шароб ва сут-пишлоқ заводларидаги кўзбўямачиликлар ҳақидаги фельетонларим шовшув бўлиб кетди. Айниқса, саксонинчи йиллари охирида Китоб туман фирқа кўмитасининг иш услубини танқид қилиб ёзилган "Тўқнашув" сарлавҳали мақолам бошимга кўп қулфат келтирди. Ушанда Биринчи Президентимиз энди ҳокимият жилаовини қўлга олган кезлар эди. Ноиложликдан, собиқ шўро давлатининг бошлиғи М.Горбачёвга шикоят ёздим ва мақоланинг русча таржимасини жўнатдим. Дўстларим анча маблағ йиғиб беришди, Москвада ўқиётган бир танишимиз шикоятимни давлат раҳбарининг ёрдамчиларидан бирига етказишга муваффақ бўлибди. Бирдан тазйиқлар тўхтатилди, мени тинч қўйишди. Аммо саркаш, мустақил фикрлайдиган мендек киши вилоятнинг айрим амалдорларига ёқмасдир.

Тўқсон тўртинчи йилда таниқли адиб Муҳаммад Раҳмоннинг тавсияси билан "Ўзбекистон ovozi"нинг Қашқадарё вилояти бўйича муҳбири бўлиб ишлаб бошладим. Бу газетани қишлоқ клубида ишлаганимда, турли номларда чиқишини билардим ва тахламларини ҳар замонда кўздан кечирардим. Бошқалар мени кечирсин, газетамизнинг олтин даври Азим Суён ва Сафар Остонов муҳаррир бўлган йиллар эди. Мен таниқли журналистлардан маҳорат сирларини ўргандим. Эсимда, тўқсон бешинчи йилда чоп этилган "Ипакка ўралган тош муаммолар" мақоласи чиққанининг эртасигаёқ мени юқори идоралардан бирига чақирдишди.

Ҳозир исмларини эслолмайман, иқтисод соҳасида йирик олим бир ярим соатга яқин сўхбатлашди. Айрим эътирозларини

очиқ билдирди. Мен ҳам ўн йил орасида маълумот тўплаганим, хорижий манбаларнинг таржималарини ўқиганим, энг муҳими, оиламиз йигирма йил ипак қурти парвариш қилгани, ёшлиқдан бу ишнинг қанчалик азобли эканини билганимни шошилмай баён қилдим ва ўнлаб муаммоларни тилга олдим. Ҳозир уларнинг анчаси ҳал бўлган, хориждан сифатли қурт уруғи келтирилмоқда, кластерлар тузилган. Аммо тағжой тўлаш, йиғма сурилар ишлаб чиқариш, олинган фойданинг маълум қисмини пиллакорларга улашиш масалалари кун тартибда турибди.

Шундан сўнг "Томчилаётган сувми ёки пул?", "Ишлашга имкон беринг", "Прокурор агар қасд қилса", "Агарни магарга қилсалар куёв" каби таҳлилий, танқидий мақолалар дунё юзини кўрди. Муҳарриримиз Сафар ақанинг қатъияти билан "Судьялар агар ёлғон гапирса", "Одина масжидининг сирини", "Абадий шаҳар тилсимотлари", "Ким ҳақ ва ноҳақ" сингари таъсирли мақолалар чоп этилди.

Айтадиган гап кўп, имконият оз. Газетамиз бу йил 105 ёшга қаршилади. Мен озроқ ютукқа эришган бўлсам, шу газетамиз, тахририятда олдин ишлаган, ҳозир меҳнат қилаётган ажойиб журналистлар тўғайлидир. Улар хамиша мени қўллаб-қувватлаб келишди.

Энди ёшим улуғ, айрим ҳаёт берган сабоқларни айтсам. Журналистни биров бол йиғувчи асарларига, биров давр солнома-чисига ўхшатади. Булар қай жиҳатдандир тўғри. Аммо журналист биринчи навбатда халқ дарди билан яшайдиган сийасатчидир. Чунки сийасат – тақдир, ундан четда туриш мумкин эмас. Журналистика эса ҳақ ва соз сўз айтиш санъати. Эсимга бир воқеа тушди. Тўқсонинчи йилларнинг ўртасида Шахрисабз шаҳрида ўтган Мирзо Улуғбек ҳаётига бағишланган халқаро анжуман ҳақида "Ҳал улуснинг, ҳам самонинг султони" сарлавҳали кичик мақола ёзгандим. Истеъдодли журналист Мақсуд Ҳамроев: "Самонинг султони ёлғиз Аллоҳ", дея қатъий эътироз билдирганди. Орадан йигирма йиллар ўтиб, ўйлаб-ўйлаб унинг ҳақлигига йўмон келтирдим. Демак, ёш журналистлар ҳар бир сўзни ўйлаб ишлатишлари лозим.

Иккинчи воқеа. Тўқсонинчи йилларнинг охирида газетамизда "Бир хато тарихи ва жабри" мақоласи эълон қилинди. Мен унда олтинчи йил давомида ўлдига чиқариб қўйилган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ғани бобо Аллаевнинг эътирозларини баён қилгандим. Даладаги ғўзанинг ҳар битта кўсагини санайдиган айрим амалдорлар "Хотира китоби"га урушдан тирик қайтган собиқ аскарлар ҳақидаги маълумотлар кириб қолганига заррача эътибор беришмаган. Натижада улар хотира ёдгорликларида ҳам қайд қилинди.

Бу йил кадр йили. Умуман, мустақиллик биринчи навбатда кадр, дегани.

**Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.**

Автомобилларга ўрнатилган газ балонлари бўйича муҳим тавсиялар

Ҳар йили автомашиналарга ўрнатилган газ балонлар портлаши оқибатида ўнлаб бахтсиз ҳодисалар рўй бермоқда. Афсуски, кўпчилик ҳайдовчилар газ балонидан фойдаланиш билан боғлиқ хавфсизлик қоидаларига риоя этмаяпти. Ҳўш, автомобиль газ балони нима учун портлайди? Бунинг олдини олиш мумкинми?

Мутасадди ташкилотлар автомобилларга ўрнатилган газ балони портлашига сабаб бўлувчи омиллар, уларни бартараф этиш ва транспортда хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида муҳим тавсиялар бериб келмоқда, жумладан:

– ишлаб чиқарувчилар томонидан газ балонларнинг фойдаланиш муддати 15 йил қилиб белгиланган. Аммо, уни сақлаш ва эксплуатация шароитининг оғирлигига қараб бу муддат камайиши мумкин. Ишлаб чиқарувчилар томонидан газ қуйиш йилига минг марта қилиб белгиланган. Бироқ, амалиётда айрим ҳайдовчилар газ баллонига йилига икки минг мартадан ҳам кўпроқ газ қуйиш ҳолатлари учрамоқда.

– газ балонидаги босим 20 мегапаскалдан ошиб кетмаслиги керак. Афсуски, аксарият ҳайдовчилар узоқроқ йўл босиш мақсадида кўпроқ босим остида газ қуйишга ҳаракат қилишади. Бунинг оқибати эса аянчли яқун топиши мумкин.

– газ балонлар белгиланган муддатда юқори босим остида синондан ўтказилиши керак. Бу газ балони деворларининг мустаҳкамлигини, ташқи ҳамда ички деформацияга учрамаганлигини аниқлаш ва яна фойдаланиш учун ишонч ҳосил қилиш имконини беради. Шунингдек, балондаги газ чўкмалари ҳамда бошқа чиқиндилар тозаланиб, ювилади.

Афсуски, кўпчилик ҳайдовчилар газ балонини синондан ўтказишдан қочади. Баллон маҳкамланган конструкциялардаги химоя резиналари шикастланади, темир конструкциялар ва ташқи муҳит таъсирида балонда деформация бошланади, газ чўкмалари таъсирида ички емирилиш кучаяди ҳамда охири-оқибат газ балони портлаши мумкин.

Юқоридаги мезонларга қатъий амал қилиш эса газ балонининг хавфсизлигини, шунингдек, инсонлар ҳаёти ҳамда саломатлигини асрашни ҳам таъминлайди.

**Ҳамиджон НАСИРОВ,
Президент Администрациясига қарашли
биноларда ЁХТТЭ бўлинмаси
мутахассиси, катта сержант.**

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЭКСПОРТИ

Ўзбекистон иқтисодий ривожлантириш стратегияси диверсификацияланган ва рақобатбардор иқтисодий яратилган, инновацион технологиялар ва бозорни бошқаришнинг янги усулларидан фойдаланган ҳолда миллий ресурслардан максимал даражада фойдаланишга йўналтирилган. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти хусусан, ташқи савдо соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг пировард натижаси аҳолининг турмуш даражасига бевосита ўз таъсирини ўтказди.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси маълумотига кўра, 2023 йилнинг январь-июль ойлари якуни билан Тошкент шаҳрининг ташқи савдо айланмаси (матнда ТСА) 12 700,0 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 1 884,9 млн. АҚШ долларига ёки 117,4 % га кўпайди.

Айтиш лозимки, жорий йилнинг январь-июль ойларида 2 762,2 млн. АҚШ долларини (қимматбахо металллар экспортдан ташқари) қийматидаги (2022 йилнинг мос даврига нисбатан 9,8 % га кўпайди) товар ва хизматлар экспорт қилинди.

Экспорт таркибида товарлар улуши 51,4 ни ташкил этиб, улар саноат товарлари (18,2 %), машиналар ва транспорт асбоб-ускуналар (9,2 %) ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар (5,0 %) ва бошқа товарлар (19,0 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шаҳар экспорт таркибида энг юқори улушни Мўробод тумани 20,5 % улуш билан 567,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Энг қуйи улушни Бектемир тумани 1,7 % улуш билан 48,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

**Тошкент шаҳар
статистика бошқармаси.**

ҚУТЛУФ ОСТОНОДА УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ



Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 36-сонли мактабнинг ташкил этилганига 75 йил тўлди. Шу мўъжаз даргоҳда кўплаб болаларга илм улашилди ва минглаб битирувчилар катта ҳаёт сари учирма қилинди. Уларнинг орасида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида хизмат қилаётган хилма-хил соҳа вакиллари ҳам бисёр.

Албатта, бундай инсонларнинг мактабга келиши, ўқувчилар

билан учрашиши, ўзлари қандай шароитларда ўқиганлиги, китоблар ва парталар етишмаси-да ўқишдан, таълим олишдан чекинмаганлиги ва бошқа шу каби ҳаётий тажрибаларини айтиб бериши ўқувчиларнинг ўқишга бўлган рағбати ва қизиқишини оширади. Чунки болалар ўзлари ҳавас қилган инсонларга тақлид қилишни яхши кўришади.

Мактабда 75 йиллик юбилей муносабати билан 3 авлод учрашуви ўтказилди.

– Ҳозирда мактабимизда икки юзга яқин ўқувчи таҳсил олади, – дейди мактаб директори Гулзода Холова. – Уларга 22 нафар тажрибали ўқитувчи дарс беришади. Битирувчи ўқувчиларимиз орасида халқаро IELTS, CEFR сертификатларини қўлга киритган ёшлар кўпчилигини ташкил қилади. Ўқувчиларимизнинг ютуқларга эришишига, фан олимпиадаларида юқори ўринларни олишига асосий сабаб ўқитувчиларнинг кадр-қиммати, ойлик маоши кўтарилгани, деб биламан. Кўни кеча Президентимиз раислигида мактаб таълимида устувор вазифаларни белгилаб олишга бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам ушбу масала кўтарилди. Ўз устида ишлаган мутахассисларнинг ҳурмати ўзига яраша бўлиши кераклигига қўшиламан. Келгуси йилдан сертификатдан ўтган директорлар олиғи 50 фоизга, ўринбосарлар иш ҳақи эса 30 фоизга оширилиши таъкидланди.

Уч авлод учрашуви давомида Боймурод Султоновнинг мактаб тарихига оид китобининг тақдими ўтказилди. Шу кўни собиқ ўқувчилар мактаб кутубхонасига 100 дан ортиқ бадийий ва илмий китоб совға қилди.

Ўз муҳбиримиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят ҳамда Қарши туман партия кенгашлари халқ депутатлари Қарши туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Рустам Жўраевга онаси

Ҳўрмат момо РЎЗИЕВИНГ
вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

ТУРИЗМ РИВОЖИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

ШАҲРИСАБЗ ТУМАНИДАГИ "МИРАКИ", АМИР ТЕМУР, "УЛОЧ", "ҲИСОРАК", "ФЕЛОН", "САРЧАШМА", "КЎЛ", "ХИТОЙ", "ҲИСОР" ВА "САЙЁД" МАҲАЛЛАЛАРИ ТУРИЗМГА ИХТИСОСЛАШГАН.

УЛАРДА 862 ТА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА. ШУНДАН 3 ТАСИ МЕҲМОНХОНА, 139 ТАСИ УЙ МЕҲМОНХОНАЛАРИ 3 ТАСИ САНАТОРИЙ, 5 ТАСИ ДАМ ОЛИШ ОРОМГОҲЛАРИ, 77 ТАСИ ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИ, 2 ТАСИ ТУРОПЕРАТОРЛАР, 369 ТАСИ САВДО ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ДЎКОНЛАРИ, 21 ТАСИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ШОХОБЧАЛАРИ, 245 ТАСИ ЁҚИЛҒИ ҚУЙИШ ШОХОБЧАЛАРИ, ГЎЗАЛЛИК САЛОНЛАРИ ҲАМДА 18 ТАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

Туманимизга Қашқадарё, Бухоро, Хоразм ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан йилига ўртача 650 минг нафар маҳаллий сайёҳ ташриф буюради.

Маҳаллий ва хорижий сайёҳлар асосан зиёрат, эко ва гастрономик туризм йўналишида ташриф буюриб, уларнинг сони сўнгги 3 йилда 2,5 баробарга ошган. Мавсумда кунига ўртача 10 минг нафар, шундан 4,5 минг кундузги келиб-кейтиш, 5,5 минг нафари эса ётиб қолиш шароитида келиб-кетди.

2022 йилда 644 минг нафар маҳаллий ва 360 нафардан зиёд хорижий сайёҳларнинг туманимизга ташриф буюрганлиги қувонарли.

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ТАДБИРКОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Президентимизнинг "Хизматлар соҳасини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан туризмга ихтисослаштирилган маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган умумий овқатланиш, меҳмонхона, савдо, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари учун айланмадан олинган солиқ ставкасини 4 фоиздан 1 фоиз этиб белгиланиши ҳамда ушбу ҳудудлардаги объектлар ва улар эгаллаган ер участкаси бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинган ер солиғи миқдорининг ҳам 1 фоиз этиб белгиланиши ҳамда тадбиркорларимизни янада қўллаб-қувватланиши ва ривожланиши учун катта туртки бўлди.



ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

2022 йилда ҳудудимизга ташриф буюрадиган сайёҳлар талабидан келиб чиқиб, қиймати 110 млрд сўмлик 26 та меҳмонхона, санаторий, дам олиш маскани, рафтинг, умумий овқатланиш, супермаркет, ёқилғи қуйиш шохобчалари ва бошқа хизмат кўрсатиш йўналишидаги лойиҳалар амалга оширилиб, 846 та доимий иш ўринлари яратилди.

Масалан, "Мираки" маҳалласида ташкил этилган "Оқсув шамол" хусусий корхонаси томонидан умумий қиймати 65 млрд. сўм бўлган кунига 500 нафар сайёҳларга хизмат кўрсатиш қувватига эга санаторий ва дам олиш маскани лойиҳаси ишга туширилиши



МАЗКУР НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

Туманимизда фаолият кўрсатаётган 188 та уй меҳмонхоналари ҳамда дам олиш масканлари туризмга ихтисослашган маҳаллаларимиздаги жами хонадонларнинг бор-йўғи 1,5 фоизини ташкил этса, 12,5 минг хонадонлардан оилавий меҳмон уйлари ва етарлича шароит яратиш мумкин бўлган хонадонлар ҳисобига босқичма-босқич қўшимча 3734 та оилавий меҳмон уйлари ташкил этилади.

Шунингдек, ҳар бир хонадонда ўртача 4 нафардан оила аъзолари борлигини инобатга олсак, мазкур хонадонларнинг 14 936 нафар оила аъзолари иш билан таъминланади.

Ҳар бир хонадон кунига ўртача 10 нафар туристни қабул қилса, қўшимча кунига 37,4 минг нафар сайёҳларни ётиб қолиш шароити билан қабул қилиш имконияти яратилади.

Президентимиз томонидан 2022 йил 19 сентябрда ўтказилган видеоселекторда туризмдан топилган даромаднинг 30 фоизи одамларнинг қўлига иш ҳақи бўлиб бориши, таъкидлаб ўтилган эди.

Шундан келиб чиқиб кўрсатилган хизматлардан 30 фоизи ёки 22,5 млрд. сўми аҳолини ўзида, соф фойда сифатида қолади.

Ҳозирда қўлланилаётган солиқ имтиёзлари бюджетга 2-3 йилда 5-7 баробар кўп миқдорда бўлиб қайтарилади.

Тумандаги "Мираки", "Сувтушар" ва "Сарчашма" қишлоқлари туризм қишлоқларига айлантирилади. Шаҳрисабз туманининг "Мираки" ҳудудига этно, гастрономик, эко туризм йўналишларида туристик кластер ташкил этилади.

Шаҳрисабз эски шох бекати ўрнида барпо этилган "Абдузафар ҳамкор" МЧЖга тегишли "Пит-стоп" лойиҳаси орқали Шаҳрисабз шаҳри ва туманини 7 та вилоят маркази билан боғловчи автобус қатновлари йўлга қўйилади (ҳозирда Хоразм йўналиши йўлга қўйилди).

Туманда "Ҳисорак" сув омбори, табиий сув ҳавзалари мавжуд. Уларнинг салоҳиятидан рекреацион мақсадларда фойдаланиб, туристларни туманда қолиш муддатини кўпайтирамиз.

Транспорт университети "туризм логистикаси" йўналишидаги мутахассислари салоҳиятидан ҳам унумли фойдаланамиз.

Ўз навбатида, туманимизга рус, инглиз, немис, француз тилларида сўзлашадиган туристлар учун ҚДУнинг битирувчи курс та-



Биргина солиқдан берилаётган мазкур имтиёз натижасида туризмга ихтисослаштирилган 10 та маҳалламиздаги 178 та тадбиркорлик субъектларида 2022 йилнинг 1 ойида 193,2 млн.сўм, 1 йилда эса 2,3 млрд. сўм маблағ ўз ихтиёрларида қолди. Ушбу маблағларни тадбиркорлик субъектларимиз ўзларининг хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга ва тадбиркорлигини кенгайтиришга сарфлайди.

Хусусан, "Мираки" маҳалласида яшовчи Ҳикматулло Холмуродов оилавий корхона асосида хонадонда уй меҳмонхонаси ташкил этиб, ўтган йилги мавсумда кунига 20 дан 30 нафаргача меҳмон қабул қилди. Бу дегани кунига ўртача киши бошига 100 минг сўмдан хизмат кўрсатиш деб ҳисобласак, кунига 2,5 млн сўм, бир ойда 60 млн сўм, мавсумда эса 2,5 минг сайёҳга хизмат кўрсатиб, 250 млн сўм даромад олди ва оиласида 4 кишининг бандлиги таъминланди. Солиқдан берилган имтиёз ҳисобига эса олган даромадини хонадонда янада хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга сарфламоқда.

натижасида 60 та доимий иш ўринлари яратилди.

"Умиров Чақил" хусусий корхонаси томонидан 13 млрд сўм маблағ сарфланиб, 70 ўринли замонавий меҳмонхона ташкил этилди.

"Паҳлавон Гермес" МЧЖ томонидан 3 млрд. сўм маблағ сарфланиб, 50 ўринли аҳоли дам олиш маскани ташкил этилди.

Шунингдек, ҳозирги талабдан келиб чиқиб қиймати 53,5 млрд. сўмлик 67 та хизмат кўрсатиш объектлари тадбиркорлик субъектлари ташаббуси билан ўз маблағлари ҳисобидан янгидан қурилмоқда.

2022 йилда "Мираки" ва А.Темур маҳаллаларида туризм объектларига олиб борувчи 7 км ички йўللар асфальтланди.

1,7 км вело ва пиёдалар йўлаги барпо этилди. 58 та кўча чироқлари ўрнатилди. Туризм маҳаллаларига 5,3 млрд. сўм маблағ сарфланиб, 24 км ичимлик суви ўтказилди. Шунингдек, "Мираки" ва А.Темур маҳаллаларида канализация тизими учун умумий қиймати 21,5 млрд. сўм маблағ ажратилиб, оқова сув тармоқлари қурилиши бошланди.

РЕЖАЛАР

Жорий йилда қиймати 201,8 млрд. сўмлик 124 та туризм хизматлари лойиҳалари амалга оширилади ва бу йўналишда 1317 нафар доимий иш ўринлари яратилади.

"Улоч" маҳалласидаги собиқ Муборак нефтгазга қарашли 3,87 гектар қурилиши тугалланмаган аҳоли дам олиш маскани негизда "Шаҳрисабз Фарм" МЧЖ томонидан қиймати 10 млрд. сўмлик 200 ўринли меҳмонхона ва дам олиш маскани қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

"Нодиршоҳ Спорт Люкс" хусусий корхонаси томонидан "Мираки" ҳудудига "Зиплайн" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Тадбиркор томонидан баландлиги 35 метр, узунлиги 250 метр бўлган дорда учиб йўли, баландлиги 22 метр, узунлиги 60 метр бўлган осма кўприк қуриш лойиҳалаштирилмоқда. Кунига 500 нафар сайёҳга хизмат кўрсатади.

Тоғли ҳудуддаги 10 та туризмга ихтисослашган маҳалла табиати сўлимлиги билан ажралиб туради. Лекин йўллари 70-80 йилларда қурилган, аммо йиллар давомида таъмирланмагани сабабли сел-тошқинлар натижасида яроқсиз ҳолга келиб қолган. Бу йўл умумий узунлиги 98 километрни ташкил этади. Шаҳрисабз-"Мираки" автомобиль йўлининг 23 км учун 20 млрд. сўм маблағ ажратилиб, йўл қурилиш ишлари бошланди.



"Сувтушар" қишлоғига олиб борувчи 4,42 км йўлга 2,7 млрд.сўм ажратилиб, бетон ва асфальт қопламалари ётқизилмоқда.

Жорий йилда Шаҳрисабз туманининг туризм салоҳиятини янада ошириш мақсадида хорижий туристлар сони 1 440 нафар (2022 йилда 360 нафар) ва маҳаллий туристлар сони 1 млн. (644 минг) нафарга, туристик хизматлар экспорти 9 млн. АҚШ долларга етказилади.

лабаларини туроператорларга бириктириш амалиётини ҳам қўллаймиз.

Туманимизга хориждан туристларни жалб қилиш учун Туркия, Малайзия, Индонезия, Германия, Япония, Франция ва Озарбайжон давлатларидаги элчихоналар билан яқиндан ҳамкорлик кўзда тутилган.

Муҳаммадхон АБДУЛҲОИРОВ,
Шаҳрисабз туман ҳокимининг ўринбосари.